Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 165–166 (21. 265) 1992 йил 22 август, шанба ● БАҲОСИ—5 СЎМ

● ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ●

ГФР ФЕДЕРАЛ ВАЗИРИ БИЛАН УЧРАШУВ



Қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

● Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 20 август куни ГФР иқтисодий ҳамкорлик масалалари федераль вазири Карл-Дитер Шпрангерни қабул қилди. Дўстона муҳитда ўтган суҳбат чоғида иккала давлатнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги масалалари ҳақида гаплашиб олинди.

Ўзбекистон Президенти Тошкент Европа давлатлари учун Шарқ дарвозаси бўлиб қолиши мумкинлигини таъкидлади. Республика мустақиллик олганидан буён орадан ҳали бир йил ўтгани йўқ. Шу вақт ичида дунёдаги, айниқса, Осиё минтақасидаги кўпгина мамлакатлар билан алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси деб тан олинди, ўнлаб давлатлар у билан иқтисодий ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканини изҳор этди. Республикада табиий заҳиралар кўп, фойдали қазилма конлари беҳисоб. Бу салоҳият хорижий сармоядорлар учун яхши кафолат бўла олади.

Республика раҳбарияти давлат соҳаси билан иқтисодий соҳани бир-биридан фарқлаб қўйишни ички сиёсатга асос қилиб олган, деб уқтирди Президент. Бозор муносабатларига ўтишнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган, хорижий сармояларни ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий негиз яратилган. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга маблағ сарфлаётган хорижий кампанияларга солиқ соҳасида катта имтиёзлар берилган. Мана шуларнинг ҳаммаси Германия билан Ўзбекистоннинг иқтисодиёт соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиши учун кенг имконият очади.

Федерал вазир Карл-Дитер Шпрангер ўз мамлакатининг халқи номидан республика халқини яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан қутлади. ГФР тенг ҳуқуқлилик ва шерикчилик асосида Ўзбекистон билан яхши, самарали муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор, иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда республикага кўмаклашишга тайёр, деб таъкидлади у. Эксперт жамғармасини барпо этиш режалаштирилмоқда, яқин орада ГФРнинг бозор муносабатлари соҳасидаги етакчи мутахассислари шу жамғармага киритилади. Жамғарма минтақадаги иқтисодий вазиятни таҳлил этади, Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликка интилаётган Германия компаниялари учун тавсияномалар ишлаб чиқади.

Суҳбат давомида ёш ўзбек олимлари ва мутахассисларини ўқиш учун Германияга юбориш имконияти ҳам муҳокама қилинди.

(ЎзА мухбири).

ГЕРМАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Германия Федератив Республикасининг ҳукумат делегацияси республикамизга ташриф буюрди. Делегацияга ГФР иқтисодий ҳамкорлик масалалари федерал вазири Карл-Дитер Шпрангер бошчилик қилмоқда.

Делегация аъзоларини 21 август куни республика Бош вазирининг ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси истиқболни белгилаш ва статистика давлат комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов қабул қилди. Шу куни республиканинг икки вазирлиги — ташқи ишлар ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Иккала мамлакатнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди. Тенг ҳуқуқлилик ва ҳамкорлик асосида давлатлараро муносабатларни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистонга кўмак беришга оид таклифлар айтилди.

Журналистлар билан бўлиб ўтган суҳбатда учрашув якунлари ҳақида сўзлаб берилди. ГФР иқтисодий ҳамкорлик масалалари вазири Карл-Дитер Шпрангер билан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Т. Султонов журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. (ЎзА).

УЙДИРМАНИНГ ФОШ ЭТИЛИШИ

«Известия» газетасининг шу йил 29 июль сонида Францияниг «Монд» газетасига асосланиб, Ўзбекистонда бўлган Европа Кенгашининг Бош котиби Катрин Лалюмьер хоним ва унинг республикада юз бераётган жараёнларга салбий муносабати ҳақида ахборот босилган эди.

Шунга кўра, Лалюмьер хонимнинг Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов номига юборган мактуби билан танишиш газетхонларга қизиқарли бўлса керак — мактубда «Известия»да босилган хабар бутунлай рад этилади.

«Ҳурматли Президент жаноблари,

Шу ойнинг бошларида Сиз билан суҳбатлашган эдим, Страсбургга қайтганимдан сўнг, бу фойдали ва илҳомбахш суҳбат учун Сизга самимий миннатдорлигимни изҳор қилмоқчиман.

Мамлакатингизга илк ташрифим чоғида у ердаги асосий вазият хусусида қимматли фикрга келдим. Музокаралар пайтида кўрсатган эътиборингиз ва Европа Кенгаши билан тағин ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатишга кўмаклашувчи турли тадбирлар учун Сизга миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз.

Вазирлар комитети сентябрь ойида Истанбулда Сизнинг ташқи ишлар вазирингиз билан учрашув шарафига муяссар бўлади. Зикр этилган масала хусусида у киши билан яна бир бор фикрлашиб, дастлабки музокараларимизни давом эттирамиз, деб умид қиламан,

Мамлакатингизда сафаримиз кўнгилли ўтди, бунинг учун Сизга ташаккур билдираман. Бу ташрифнинг барча лаҳзалари ҳамиша ёдимда қолади.

Сизга самимий ҳурмат билан

Катрин ЛАЛЮМЬЕР».

КУН ТАРТИБИДА— ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш комиссияси семинар-кенгаш ўтказди. Унинг қатнашчилари Марказий Тафтиш комиссияси раиси Ў. Т. Турғуновнинг вилоят партия ташкилотлари тафтиш комиссияларининг ҳозирги босқичдаги вазифалари тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Семинар миллий истиқлол йўлида Ўзбекистон ХДПнинг республикада етакчи сиёсий партия сифатидаги роли ортиб бораётганлиги, унинг халқчил сиёсати таъкидлаб ўтилди.

Семинарда Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар, район кенгашларига меҳнаткашлардан тушаётган хатлар, ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқилиши устидан назоратни янада кучайтириб, бу ҳақда Марказий Тафтиш комиссиясига мунтазам ахборот бериб туришларининг йўлга қўйилиши одамларнинг партиямизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят тафтиш комиссияси раиси А. Қ. Қобилов, Наманган вилоят тафтиш комиссияси раиси А. Я. Убайдуллаев, — Фарғона вилоят тафтиш комиссияси раиси К. Салоҳиддинов, Хоразм вилоят тафтиш комиссияси раиси Ж. Султоновлар семинарда олиб борилаётган ишлар кўлами, муаммо ва қийинчиликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби И. А. Кочмарик сўзга чиқди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

«ОСИЁ БОЗОРИ»ГА МАРҲАМАТ!

БИРЖА ТОШКЕНТ БИРЖАСИ


«Ўзбекистон овози» газета редакцияси ва Тошкент акционерлик жамияти бошқаруви ахборотлар юзасидан тижорат хизмати кўрсатиш мақсадида «Осиё бозори» иловасини чоп эта бошлади. Бугун ушбу илованинг биринчи сони сизнинг эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Газетанинг 3—6 саҳифаларида ахборот-тижорат иловаси — «Осиё бозори»нинг дастлабки материаллари билан танишасиз.

Шуни эътиборингизга маълум қиламизки, «Осиё бозори» иловаси Ўрта Осиё минтақасидаги салкам ўттиз миллионлик аҳоли ўртасида кенг тарқалиши кутилмоқда. Иловада чоп этилган эълон ва рекламалар ана шу регионда ўз мижозларини тезроқ топишига ишонамиз.

«ОСИЁ БОЗОРИ»ГА МАРҲАМАТ!

Ахборот, эълон ва рекламалар чоп этишни истаган меҳнат жамоалари, биржа ва фирмалар, саноат ва тижорат корхоналари ҳамда барча қизиққан кишилар учун алоқа телефонларимизни маълум қиламиз: 32-54-14; 33-41-89; 32-55-70.

● ТИНЧЛИК ХАМКОРЛИК МУСТАКИЛЛИК ЎЗБЕКИСТОН 1992·1 сентябрь



И. А. КАРИМОВ


ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЎЗБЕКИСТОН

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ ЙЎЛИ ҲАҚИДА РИСОЛА

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб номланган рисоласи ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқди. Рисолани «Ўзбекистон» нашриёти республика истиқлолининг бир йиллигига туҳфа этди. Ушбу китобча кўп минг сонли ўқувчиларга маъқул бўлади, деган умиддамиз.



И. А. КАРИМОВ

УЗБЕКИСТАН СВОЙ ПУТЬ ОБНОВЛЕНИЯ И ПРОГРЕССА

УЗБЕКИСТАН

● Долзарб мавзуда суҳбат

ТОШКЕНТ УЙ-ЖОЙЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРА БОШЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси Тошкентдаги давлатга қарашли уйларни хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳужжатда бу кенг кўламли тадбир фуқароларнинг мол-мулк ҳуқуқларини таъминлаш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш мақсадида амалга оширилаётгани таъкидланган.

Хусусийлаштириш қандай ўтади? Шу қадар жиддий ишни ўтказишнинг пухта воситаси мавжудми? ЎзА мухбири Л. Левин билан Ўзбекистон Республикаси давлат мол-мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш комитети раисининг биринчи ўринбосари Ш. Ғафуров шу ҳақда суҳбатлашдилар.

— **Шуҳрат Рашидович, хусусийлаштиришнинг одатда кичик дўконларни, магазинларни шахсий мулк қилиб беришдан бошлашларини биламиз. Бу ерда эса бирданига уй-жойлар хусусийлаштирилмоқда. Яна қаерда денг — республика пойтахтида.**

— Бунда ҳеч қандай тасодиф йўқ. Биз энг мураккаб муаммони ҳал этишга — уй-жойларни мулк қилиб топширишга қўл урдик. Айтмоқчи, Вазирлар маҳкамасининг қарорида айтилганидек, бу тадбир кенг кўламли тажриба доирасида ўтади. Тошкент ҳокимияти ва бизнинг комитетимиз бу тадбирнинг ташаббускори бўлди.

Биз мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги барча республикаларда хусусийлаштириш тажрибасини диққат-эътибор билан ўргандик, шуни ҳам айтиш керакки, кўпгина хорижий мамлакатларда уй-жойларни хусусийлаштириш муваффақиятсиз чиққан. Хуллас, бу жуда муҳим ижтимоий муаммони ҳал этишга ёндашувимизнинг ўзи кўп жиҳатдан фарқ қилади.

Ўзбекистон аҳолисининг, жумладан тошкентликларнинг даромадлари МДҲдаги бошқа республикаларга нисбатан камроқ, шу сабабли Ўзбекистон фуқароларининг кўпгина тоифалари уй-жойларни бепул ўз мулки қилиб олиш имтиёзига эга бўлдилар. Шу тариқа бу ишда маълум тажрибамиз бор. Сентябрь ойида бошланадиган хусусийлаштириш тадбирларига келганда эса, ундаги асосий жиҳат шундан иборатки, республика пойтахти аҳолиси ўз квартираларини қийматининг қолдиғини тўлаб сотиб оладилар.

— **Қиймат қолдиғи қандай аниқланади?**

— Катта ишни бирданнга бажариб бўлмаслигини тушунасиз. Шу сабабли бу тадбирни амалга оширишга пухта тайёргарлик кўрдик. Тошкент бешта зонага ажратилди. Уйларга уларни қайси ўн йилликда фойдаланишга топширилганига қараб баҳо қўйилади. Масалан, уларнинг бир қисми 1940 йилгача фойдаланишга топширилган бўлса, бошқа қисми — 1950 йилгача, учинчи қисми — 1960 йилгача фойдаланишга топширилган ва ҳоказо. Равшанки, уй қанчалик эски бўлса унда яшовчилар шунча кам ҳақ тўлайдилар.

Энди бешта зона, тўғрироғи Тошкентнинг халқалари тўғрисида. Биринчи зонадаги уйлар — шаҳарнинг марказидан иборат бўлиб, улар қолган бошқа жойлардаги уйларга нисбатан қимматроқ туриши тушунарли. Уйлар марказдан қанчалик узоқ бўлса, шунчалик арзон бўлади. Лекин уйларни баҳолаш даврида фақат шу жиҳатигина ҳисобга олинмайди. Биз кўп балли жадвални ишлаб чиққанмиз, унда деярли ҳамма нарса: уйнинг магазиндан ёки жамоат транспорти бекатидан узоқлиги, унинг серқатнов, биноларин машиналар ҳавони кўп булғатадиган кўчалар бўйида жойлашганлиги, неча қаватлиги ва бошқа жиҳатлари ҳисобга олинган.

Аниқ мисол келтириб ўтаман: учинчи ҳалқада жойлашган, 70-йилларнинг бошларида фойдаланишга топ-

(Давоми иккинчи бетда).

ОБУНА—93

СИЗНИ ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР КУТАДИ

АЗИЗ МУШТАРИЛАР! 1992 йилнинг якунланишига ҳали анча бор. Аммо, барча газета ва журналларнинг таҳририятларида бўлгани каби «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» рўзномасининг ижодий жамоаси ҳозирданоқ келгуси йилнинг режаларини ишлаб чиқмоқда. Аввало шуни айтишимиз керакки, сиз 1993 йилда яқинда газетамизда эълон қилинган «Хиёнат» (22 июль), «Сирли калит» (5 август), «Хомталаш» (6 август), «Шаҳар кўзгулари» рукни остидаги «Ошхонадаги очкўзлар» (25 июль), «Тижорат ниқобидаги қароқчилик» (7 август), «Тижорат дўконидаги қотиллик» (14 август) каби бир қатор долзарб мавзудаги мақолалар ва фельетонлардан, «Пахта иши»га бағишланган туркум материаллардан чиқарилган хулосалар ва кўрилган чора-тадбирлар билан танишасиз.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» келгуси йилда ҳам бу мавзуларда қалам тебратишни давом эттиради. Қизиқарли ва ҳаяжонли воқеа-ҳодисаларни изчиллик билан ёритиб боради. Ҳаётимиздаги «қора доғ»ларни аёвсиз фош қилади. Энг яхши жамоаларнинг илғор тажрибаларини тарғиб ва ташвиқ этишга катта аҳамият беради. Фельетонлар, «Ажаб савдолар», «Бўлди қизиқ ҳангомалар», танқидий руҳдаги рейдлар, луқмаларга кенг ўрин берилади. «Савол беринг — жавоб қайтарамиз» рукни газетанинг доимий минбарига айланади.

Хуллас, сизларни газета саҳифаларида УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР КУТАДИ.

● Республикамизда нашр этилаётган аксарият асосий газеталар ва журналларнинг савияси баланд. Бироқ биз «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1993 йилда бошқалардан фарқли ўлароқ янада ўқимишлилигини оширишга КАФОЛАТ БЕРАМИЗ.

● Энг муҳими — сизларнинг таҳририятга ҳар бир саволингиз, ҳар бир хатингиз, ҳар бир мурожаатингиз ҳеч қачон жавобсиз қолмайди. У сизнинг энг яқин ўртоғингиз, сирдошингиз, маслаҳатгўйингиз ва доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолишга ишонамиз.

● Ҳа, айтгандай, «Ўзбекистон овози» рўзномасига обуна нархи республикадаги катта газеталар учун белгиланган даражадан анча АРЗОНдир. Унинг бир йиллик обуна нархи — 384 сўм, олти ойга — 192 сўм, уч ойга эса — 96 сўм.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64583

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юборилсин	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

УЗОҚ ВА ЯҚИН ПОКИСТОН

Шавкат ЯҲЁЕВ



● Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Покистон Ислом Республикасининг ҳукумат қабул маросимида нутқ сўзламоқда.

ИСТИҚЛОЛ байрамимизга ҳам саноқли кунлар қолди, Ана шу қутлуғ кунлар арафасида мустақил Ўзбекистон ҳаётида кўпгина шонли воқеалар гувоҳи бўлмоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги расмий делегация Покистон Ислом Республикасида икки кун бўлди. Ана шу икки кунлик ташриф манзарасини чизишга қалам ожизлик қилади. Негаки, И. А. Каримов ва делегациянинг бошқа аъзоларини покистонликлар мислсиз илиқлик, юксак ҳурмат ва гуллар оғушида кутиб олишди. Президентимиз Покистон Ислом Республикасида Президенти Ғулом Исҳоқхон билан уч марта учрашди. Бош вазир Муҳаммад Навоз Шариф билан эса уч марта яккама-якка суҳбатда бўлди. Шунингдек, иккала мамлакат делегациялари И. Каримов ва Муҳаммад Навоз Шариф бошчилигида фаол ва самарали иш олиб бордилар. Музокаралар кутилгандан ҳам зиёда, беҳад самимийлик билан ўтди. Делегациямизнинг қўшни Покистон Ислом Республикасига ташрифидан умиди катта эди. Коммуникациялар, энергетика, ирригация ва сув хўжалиги, транспорт алоқалари соҳаларида ҳамкорлик қилишга, шунингдек сармоя солишни рағбатлантиришга ва ҳимоя қилишга доир ўзаро манфаатли битимлар имзоланиши кўзда тутилган эди. Мўлжалланган битимларга тўла эришилди! Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси ҳукумати ўртасида почта хизмати ва телеалоқа йўллари соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битим, сармоя сарфлашни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим, сув хўжалиги, энергетика, ирригация ва мелиорация соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Покистон Давлат банки ўртасидаги битим, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Покистон миллий банки ўртасидаги битим тузилдики, бу ҳужжатларнинг аҳамияти бениҳоят катта эканини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Матбуотимиз саҳифаларида ана шу ташрифнинг амалий натижалари кенг ёритилганлиги учун

I. ДЎСТГА ПЕШВОЗ МАМЛАКАТ

бунга ортиқча тўхталиб ўтишнинг ҳожати йўқ. Мен ана шу сафардан олган ранг-баранг ва бой таассуротларимни Сиз, газетхонлар билан баҳам кўришни истардим.

Покистоннинг ҳамма жойларида бизни ғоятда самимийлик ва олқишлар билан кутиб олишганини юқорида айтиб ўтдим. Масалан, Исломобод шаҳрида: «Яшасин Покистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик!», «Марҳабо, азиз ўзбек дўстлар!» деган шиорлар ва алвонларни кўрганда қалб беихтиёр тўлқинланиб кетди. Миллий байрам — Покистон мустақиллиги кунини ўтказиш кезларида Ўзбекистон Президентига ва делегациянинг барча аъзоларига кўрсатилган зўр иззат-икром таърифини чизишга қалам ожизлик қилади.

ЭНДИ азиз газетхонларга Покистон Ислом Республикаси ҳақида икки оғиз ҳикоя қилиб беришни лозим топдим. 803,9 минг квадрат километр майдонни ташкил этган бу мамлакатда 110 миллиондан зиёд аҳоли яшайди. Унинг пойтахти гўзал Исломободда 300 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ўтмишда 200 йил мобайнида Покистон Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлиб келган эди. Улар бу мустамлакачиликнинг жабрини кўп тортдилар. Муттасил курашлар натижасида озодликка чиққан, мустақилликка эришган халқ қувончининг бугун чеки йўқ. Биз айни миллий байрам кунларида борганимиз учун ҳам бу дўст мамлакатнинг бағрига қанчалик шамол текканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Яна бир нарса. Покистон халқларининг ўтмиши, тарихи, маданияти ва анъаналари бизнинг халқларимизникига жуда ўхшаб кетади. Мана, Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигининг бир йиллигини катта байрам қилиш арафасида турибди. Ўзбекистонимиз жаҳон ҳалқларининг мустаҳкам оиласига кирди, мусулмон дунёси билан ўзининг тарихий илдизларини қайта тикламоқда. Пухта ишлаб чиқилган ўз ички ва ташқи сиёсатини изчил олиб бормоқда. Бу йўл эса бутун дунёда маъқулланаётганлигини жаҳон матбуоти қайд этмоқда. Энди биз дунёнинг 120 дан зиёд мамлакатлари билан эркин ва мустақил алоқа ўрнатдик. Улар бизни тан олишди. Келгусида кадамба-қадам барча давлатлар билан ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга интилаверамиз. Покистонга ташрифимиздан шу нарса маълум бўлдики, бизларнинг борди-келдиларимиз бу шунчаки қуруқ сафарлар эмас, балки, халқларимиз истиқболини, келажагимизни ўйлаб қилинаётган саъй-ҳаракатдир. Унинг амалий натижалари эса ҳозирданоқ нишона бериб турибди. Масалан, Покистон билан аввало Карочи — Ҳирот — Термиз — Тошкент автомобиль шох йўллари қуришда, Ўзбекистондан юкларни ташиш учун Покистон портларидан фойдаланишда ва бошқа масалаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан келишиб олинди.

Президентимиз И. Каримовнинг сўзлари билан айтганда, Покистонга ташриф ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда янги саҳифа очди. У яна шуни таъкидлаб ўтдики, Ўзбекистон халқи ва ҳукумати Покистон билан сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашни истайди. Ҳа, бу ташриф Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга метиндек асос солди. Буни бизни кутиб олган кишиларнинг чеҳраларидаги табассумдан, уларнинг қалбдан отилиб чиққан қайноқ сўзларидан, қувонч ва шодликларидан ҳам сезиш мумкин эди. Қаерда бўлмайлик, кўчаларда, майдонларда, ҳатто аэропортнинг ўзида бизни Ўрта Осиёдан, Ўзбекистондан бир вақтлар, қатағон йилларида Покистонга бориб қолган кекса ўзбеклар, уларнинг фарзандлари турфа гуллар, кўзларида ёш билан кутиб олишди, бизлар бир-биримизнинг қалб сўзларимизни эшитиб тўймасдик. Дийдор кўришганимиздан улар ҳам, биз ҳам беҳад шод ва мамнун эдик! Покистон сафари ана шундай шод ва хуррамлик билан бошланди...

(Давоми бор).



● Мустақиллик байрами кунидаги шоду хуррамликда ёшу қари қатнашди.

Суратларни Р. ҒОФУРОВ олган.

ХДП ҳаётидан

ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАЯПМИЗ

● Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ташаббуси билан бир гуруҳ ёзувчи ва шоирлар республикамиз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда Андижон вилоятида бўлиб, меҳнаткашлар билан учрашдилар.

Хўжаобод тикув-трикотаж фабрикасида бўлган учрашувни ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Н. Шокиров қисқача кириш сўзи билан очди. Марказий Кенгаш котиби М. Қирғизбоев партиямиз ёзувчилар, шоирлар, олимлар билан ҳамкорлик қилишга катта эътибор бераётганлиги, ушбу мулоқот Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллигига бағишланаётганлигини таъкидлади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, шоир Жуманиёз Жабборов «Мен мустақилликни қандай тушунаман?» деган мавзуда гапирди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев ҳозир энг муҳим нарса мустақилликни мустаҳкамлаш ва уни ушлаб қолиш эканлигини, бу қутлуғ ишга барча ўз ҳиссасини қўшиши лозимлигини таъкидлади.

Учрашувда Марказий Кенгаш котиби фабриканинг бир гуруҳ ишчиларига янги партия билетларини топширди.

Бундай жонли, қизиқарли суҳбатлар Марҳамат ипйигирув ва тўқув фабрикасида давом этди. Бир гуруҳ ХДП аъзоларига партия билетлари топширилгач, Марказий Кенгаш котиби М. Қирғизбоев мамнуният билан шундай деди:

—Партия билетига андижонлик шоир Чўлпоннинг «Халқ — денгиздир, халқ — тўлқиндир, халқ — кучдир» деган доно сўзлари битилган. Чўлпон хотираси ва унинг жўшқин ижоди ҳурмати учун ҳурматли ёзувчи ва шоирлар Иброҳим Раҳим, Жуманиёз Жабборов, Худойберди Тўхтабоев, Муҳаммад Юсуф, Мирпўлат Мирзаев ва бошқалар Тошкентга қайтиб боргач, Халқ демократик партиясига аъзо бўлиш истагини билдирдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган бундай учрашув ва суҳбатлар Асака, Олтинкўл районларида ҳам бўлиб ўтди. Улар республика раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни якдиллик билан маъқуллаб, халқимизни ҳозирги вақтинчалик қийинчиликларни енгишга, мустақиллик байрамини хурсандчилик билан ўтказишга даъват этдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БАЙРАМ АРАФАСИДА ПАРТИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИЛАР

Ўзбекистон мустақиллигининг байрами арафасида пойтахтдаги Сирғали районида ХДП аъзолари сафи 38 нафар кишига кўпайди. Улар орасида турли миллат вакилларидан маҳаллалар фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам бор. Район партия ташкилотида уларга партия билетларини топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Сирғали район ташкилотининг биринчи котиби Ё. Исҳоқова янги аъзоларни қизғин қутлаб, партия билетларини топширди.

Ҳ. АБДУМАННОПОВ.

ИШЧИ ДАРДИНИ КИМ ЭШИТАДИ?

• Раҳбарият ва масъулият

БУХОРОДАГИ ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ХДП АЪЗОЛАРИНИНГ ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШИ КОТИБИЯТИГА ДАЪВОЛАРИ КАТТА

Ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида партия йиғилиши шунчалик қизғин ўтадики, деб ҳеч ким ўйламаган эди. Балки бунга бошланғич ташкилотда йиғилиш кўпдан бери ўтмагани, балки ташкилот котиби М. Бозоровнинг бу йиғилишга вилоят ва шаҳар раҳбарлари ҳам қатнашадилар, деб берган ваъдаси амалга ошмай қолгани сабаб бўлгандир. Ҳар ҳолда котиб маърузасини тугатиши биланоқ партия аъзолари бирин-кетин минбарга чиқиб, кўп ойлардан буён кўнгилларида мадда бўлиб йиғилган дардларини ўртага сола бошладилар. Келинг, яхшиси уларнинг сўзларини эшитайлик.

Б. ХОЛОВ, 2-ип-йигирув фабрикаси мастер ёрдамчиси: — Бундай йиғилишни ташкил этган партия ташкилоти котиби Бозоровга раҳмат. Кўнглимизда тугиб юрган ҳамма гапларни очиқ-ойдин айтишимиз мумкин. Кечки сменадан чиқсак, ҳаммаёқ зимзиё, тўқимачилар шаҳарчасигача бironта электр чироғи ёнмайди. Бунга масъул шахс партия аъзосими ёки йўқми?

Ф. АЛИЕВ, шу фабрика мастери: — Ўн икки йилдан буён бирлашмада ишлайман. Илгари вилоят ва шаҳар раҳбарлари тез-тез ҳолимиздан хабар олиб туришарди, ишчилар билан суҳбатлашиб руҳимизни кўтаришарди. Энди бўлса на ҳокимият ва на партия раҳбарлари қораларини кўрсатишади. Бизнинг уларга шаҳар транспортидаги тартибсизликлар, киссавурлар тўғрисида кўпдан-кўп саволларимиз тўпланиб қолганди, афсуски, улар йиғилишимизга келишмабди...

Т. САВРИЕВ, шу фабрика цех бошлиғининг ўринбосари: — Партия аъзоси бўлмасам ҳам йиғилишга келдим. Чунки Халқ демократик партияси ҳаракат дастури менга ёқади. Аммо уни амалга ошириш учун ҳужумкорлик етишмаяпти, мансаб курсиларини эгаллаб ўтирган айрим расмиятчиларга нисбатан талабчанлик йўқ.

Л. ҲАМРОЕВ, пардозлаш фабрикаси директори: — Корхонамизда саккиз нафар партия аъзоси бор, холос. Уларнинг сафини кенгайтириш мумкин. Бироқ халқ иккиланаяпти. Ахир қарс икки қўлдан чиқади. Уларга партия олиб бораётган сиёсатни тушунтириш керак. Нега шаҳар партия кенгаши раҳбарлари бу ерга келиб ишчилар билан юзма-юз учрашишдан қўрқишади?

С. БАРОТОВ, бирлашма бош директорининг ўринбосари: — Айни шу даврда кишилар партиянинг аниқ, тўғри йўлини билишлари лозим. Мана, олти ой бўляпти-ки, бирон марта шаҳар кенгаши котибларини бирлашма цехларида учратганимиз йўқ. Кенгаш нима билан шуғулланаяпти ўзи?..

Йиғилишда сўзлаган нотиқлар кетма-кет айтган бундай таъналарга кимдир жавоб бериши керак. Шунинг учун шаҳар кенгаши ижроия бюроси аъзоси О. Искандархўжаев сўзга чиқди-ю, бироқ у маҳсулот сифатини яхшилаш тўғрисидаги насиҳатомуз умумий гаплардан нарига ўтолмади. Чунки ўзи ижроия бюро аъзоси бўлса ҳам шаҳар партия кенгаши ишига баҳо беришдан чўчиди. Қолаверса, у бошқарма бош директорининг маиший ишлар бўйича ўринбосари, йиғилишда энг кўп эътироз мана шу соҳада бўлгани ҳам сир эмас.

Ишчилар йиғилишни норози оҳангларда тугатишди. Келгуси йиғилишга партия аъзоларидан қанчаси иштирок этиши маълум эмас.

Хўш, ишчиларнинг эътирозлари шаҳар кенгаши котибияти қулоғига бориб етдими? Йиғилишда қатнашган кенгаш аппарати масъул ташкилотчиси А. Сагатов билан суҳбатимиз шу тўғрида бўлди.

— Тўқимачилар ўз йиғилишларига котибларни таклиф этаётганликларидан раҳбариятни ўз вақтида хабардор қилган эдик, — дейди у. — Йиғилишнинг эртаси куни унинг қандай ўтганлигини биринчи котиб М. Абдуллаевага маълум қилдим.

Кенгашнинг иккинчи котиби Ш. Шарипов билан суҳбатимиз йиғилишдан олинадиган сабоқлар тўғрисида бўлди. У кейинги ойларда бир неча марта бирлашмада бўлиб, ишчилар билан учрашганини айтиб ўзини оқламоқчи бўлди, аммо, қачон қайси цехда ким билан учрашганини эслай олмади. Ваҳолонки, юракдан қилинадиган суҳбатни эсдан чиқариб бўлмайди.

Албатта, кенгаш аппарати ходимлари ҳар куни бирлашмада бўлиш имкониятига эга эмаслар. Лекин, ҳафтада ёки ойда ишчилар билан учрашиш, уларнинг йиғилишларида иштирок этиш мумкин-ку, ахир. Фақат бунинг учун улар билан тил топиша билиш, бериладиган ҳар қандай қалтис саволга ҳам тап тортмай жавоб бера билиш маҳорати керак.

Шаҳар кенгашида олдинги куч йўқ. Аппаратда атиги олтита масъул ходим ишлайди, улардан ҳам икки киши котиблик лавозимида. Тўрт масъул ташкилотчидан ҳар бири 30—35 бошланғич ташкилот фаолиятига кўмаклашади.

Лекин кенгаш тузган тўртта жамоатчилик бўлимларида каттагина куч мужассамлашган. Кичик бошланғич ташкилотлар ишига кўмаклашишда улардан фойдаланиб, ип-газлама бирлашмаси сингари йирик ташкилотларга раҳбарият тез-тез қадам ранжида қилса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Бирлашмага қайтсак, ундаги маънавий-ижтимоий вазиятни соғлом деб айтиш қийин. Партия ташкилоти, унинг етакчилари бу вазият олдида яккаланиб қолишяпти. Дарвоқе, бирлашмада партия иши бевосита хизмат вазифаси бўлган бironта ходим йўқ. Уларнинг ҳаммаси ҳам жамоатчилик асосида иш олиб боришаяпти. Бундан илгари партиянинг нонини еб юксак лавозимларга кўтарилган бирлашмадаги айрим мансабдор кишилар эса бундай вазият олдида томошабин бўлиб туришибди.

Яқин келажакда вилоят ҳокимлиги ва Халқ демократик партияси кенгаши ташкил қилган «Мулоқот» клубининг бирлашма партия ташкилотидаги йиғилиши ишчилар қўяётган кўпгина саволларга аниқ жавоб топади, бу ердаги айрим масъулиятсиз раҳбарлар фаолиятига тегишли баҳосини беради, деб умид қиламиз.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ТОШКЕНТ УЙ-ЖОЙЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРА БОШЛАЙДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ширилган уйдаги уч хонали квартира унинг бўлажак эгаларига 12—14 минг сўмга тушади. Лекин улар биринчи, икки энг юқори қаватда яшасалар (бундай ҳолларда уй остидаги ертўланинг сув босиши ёки томдан чакка ўтиши ҳисобга олинади), режалаштирилаётган қиймат ўз-ўзидан олти фоиз арзонлаштирилади. Башарти, уй транспорт шовқини эшитилмайдиган даҳа ичкарисида жойлашган бўлса, бундай ҳолларда унинг қиймати олти фоиз ортади. Аэропортдан, темир йўл вокзалларидан, йирик саноат корхоналаридан ажратилган зоналарда яшовчилар учун квартираларни сотиб олиш 10 фоиз арзонга тушади.

Яна бир муҳим жиҳати: квартираларнинг бўлажак эгаларига қарзини тўлаш учун беш йил муддат берилади. Тўғри, биринчи йили улар 40 фоизини тўлашлари керак. Сотиб олинаётган уйнинг қийматини бирданига тўлашни хоҳлаганлар учун уйнинг қиймати 10 фоиз чегирилади, кимки икки ярим йилда тўласа — 5 фоиз чегирилади. Кўриб турибсизки, ҳозирги иш ҳақи даражаси ҳисобга олинса, уйларнинг қиймати мақбул келади. Бу йил уй олганларга эса бу уйлар жуда қимматлиги сабабли уларга катта имтиёзлар берилган. Улар учун тўлов муддати 10 йил қилиб белгиланган, дастлаб улар уй қийматининг 20 фоизини тўлашлари керак. Шунингдек уларга навбатдан ташқари кредит олиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Уй-жойни сотиб олишга қурби етмайдиган ёки уй эгаси бўлишни хоҳламаган кишилар бўлсачи?

— Биринчи тоифадаги фуқароларга, шунингдек янги уйланганларга имтиёзли кредит берилади. Квартирани сотиб олишни хоҳламаганлар эса район ҳокимиятлари билан ижара муносабатларига ўтишларига тўғри келади. Олдиндан айтиб қўяй: ижара муносабатларига ўтиш улар учун фойдали эмас!

Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағ тўғрисида гапирсак, бу маблағ махсус жамғармани тўлдиради. Бу пуллар аҳолининг энг камбағал табақаларига ёрдам беришга, қисман янги уй-жой қуришга сарфланади. Айтмоқчи, район ҳокимиятларида уй олиш учун одатдаги навбатлар бўлмайди. Ўз уй шароитини яхшилашни хоҳлаган кишилар ким ошди савдосида квартира сотиб оладилар. Асосий эътибор вазирликлар, идоралар ва саноат корхоналарига қаратилмоқда. Бозор иқтисодиёти барқарор фойда олишни кўзда тутади. Вазирликлар, идоралар ва саноат корхоналари оладиган фойда уларнинг ходимлари учун уй-жой қуришга сарфланади. Бошқача айтганда, меҳнат жамоаси қанчалик кўп фойда олиб ишласа, у ижтимоий бойликдан шу қадар кўпроқ баҳраманд бўлади. Хуллас, корхонанинг пули бўлса, у ҳозирнинг ўзидаёқ ходимлари яшаётган квартираларни уларга текинга мулк қилиб бериши мумкин.

— Хусусийлаштириш ҳар бир фуқарога нима беради?

— Фуқаро уй-жойини ўзи хоҳлаганча тасарруф этишга: мерос қилиб қолдиришга, алмаштиришга, сотишга ҳақли бўлади. Фақат бир шарти бор: уй республикада камида беш йил рўйхатдан ўтиб истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқаросига сотилиши мумкин. Квартирада яшовчиларни рўйхатдан ўтказишга доир барча чеклашлар бекор қилинади. Уй-жойнинг торлигига қарамай, унда неча киши яшашига рухсат этиш уй эгасининг иши бўлиб қолади.

Айтмоқчи, квартираларни ҳозиргача сотиб олган кишиларнинг ташвишланишларига ҳожат йўқ. Улар ҳеч қандай қўшимча ҳақ тўлашмайди. Чунки, қонун қабул қилинган пайтдан кейинги даврдан учун амал қилади.

— Ҳар ҳолда, Шуҳрат Рашидович, ўқитувчилар, олий ўқув юртларининг муаллимлари, шифокорлар ўз квартираларининг эгалари бўлиб қолишган эди, улар коммунал хизмат ҳақи кескин ошганлигини эшитиб ҳайрон бўлиб қолишди. Хўш, бунда қандай маъно бор?

— Шугина эмас, айрим кишилар квартираларини давлатга қайтариб беришга ҳам уринибқўришди. Лекин шошилмаслик керак. 1992 йил коммунал хизматлар давлатдан миллион-миллион сўмлаб ёрдам оладиган сўнгги йилдир. Уй-жойларини биринчи бўлиб хусусийлаштирган кишилар бошқаларга нисбатан вақтинча қийин аҳволда қолишди. Келгуси йилнинг биринчи чорагидан бошлаб коммунал хизмат ҳақи қайта кўриб чиқилади. Бироқ, шаҳар бюджетидан илгаригидек катта дотация берилади, ҳаражатларнинг анча қисмини шаҳар ўз зиммасига олади.

Яна бир янгилик: эндиликда кичик, ижарачи корхоналар ва бошқа корхоналар уй-жойларни сотиб олишга ҳақли эмаслар. Марҳамат қилиб эски биноларни сотиб олишсин, ремонт қилишсин...

— Сентябрь ойида бошланадиган хусусийлаштириш тадбирлари, шубҳасиз ҳокимиятларининг ходимлари, уй-жойларни баҳолаш комиссияларининг аъзолари, шу уй-жойларда яшовчиларнинг ўзларини учун ҳам катта ташвиш келтиради. Оддий бир вазиятни олиб кўрайлик: агар фуқаро унинг квартирасига қўйилган баҳога рози бўлмасачи? Бунда нима бўлади?

— Шундай бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, можаро юз бермаслиги учун ҳамма ишни қилишга ҳаракат қилдик. Шу ишлардан асосийси ҳужжатлар мажмуини тайёрлаш бўлди. Тошкентнинг ҳар бир аҳолиси арзимаган пулга ана шу ҳужжатларни сотиб олиши мумкин. Уларда фуқаронинг ҳуқуқлари, хусусийлаштириш қандай ўтиши ҳақида аниқ ва содда ҳикоя қилинган. Ҳар бир киши квартира қийматини жуда аниқ белгилай олади. Квартираларни хусусийлаштириш тўғрисидаги аризаларни шу йил 31 декабргача район ҳокимиятларига топшириш керак, лекин бу муддатнинг сўнгги кунларини кутишга ҳожат йўқ.

«Ташгоржилпроект» институти хусусийлаштириладиган уй-жойларга нарх қўядиган асосий ташкилотдир. Институт бу ишда катта тажриба тўплаган. Институт ходимларига лойиҳа ташкилотларининг вакиллари, ҳокимиятларнинг, уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаларининг ходимлари ёрдам берадилар. Агар низо чиқса, уни район ва шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги махсус комиссиялар ҳал қилиши керак. Республика пойтахтининг ҳокими, уларнинг ишига раҳбарлик қилади.

— Ниҳоят, афсуски, ташвишли савол: хусусийлаштириш чоғида «ёввойи ғарбда» бўлгани каби камбағал одамларни уйдан кўчага улоқтириб юборишмайдими?

— Ишонтириб айтишим мумкин: бундай ҳоллар бўлмайди!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ВА «ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ БОШҚАРУВИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

1-сон. 1992 йил 22 август

ОСИЁ БОЗОРИ

ЧИНАКАМ ИШБИЛАРМОНЛАР ДАВРИ КЕЛДИ

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг бош муҳаррири

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси тарихий воқеа — давлат мустақиллиги эълон қилинганлигининг бир йиллик байрамини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбек халқининг бу улкан миллий байрами ижтимоий-иқтисодий ривожланишимизда кескин ўзгаришлар рўй бераётган, асрлар бўйи орзу қилинган истиқлол маррасига эришиш, бозор муносабатларига ўтишда янги босқич бошланаётган даврга тўғри келмоқда. Зеро, жаҳон амалиётидаги ўсиш-улғайиш айни бозор қонуниятлари асосида рўй берганлигини ҳаммамиз яхши тушуниб олишимиз лозим. Иқтисодиётнинг бир ҳолатдан бутунлай ўзгача ҳолатга ўтиши ҳеч қачон осон кечмаган.

Ҳозирга келиб олдинги тоталитар марказ барҳам топгани, собиқ «ҳур» республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилганлиги оқибатида Ўзбекистон иқтисодиётида бир мунча қийинчиликлар содир бўлди. Айниқса, машина-механизмлар, ускуналар, уларнинг бутунловчи қисмлари, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаётибди. Мустақил республикамиз иқтисодиёт тизимидаги жамики бўғинлар ана шу кемтикни тўлдиришга сафарбар қилинган.

Шу маънода минтақадаги биржаларнинг қалдирғочи — «Тошкент» биржасининг республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муносиб ўрни бор. Яқиндагина бир йиллигини нишонлаган биржанинг тилга олгулик ютуқлари бор. Турли давлатлардаги ҳамкасблари билан, айниқса, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги шериклари билан ўзаро манфаатдорлик асосида ишлаётган тошкентлик ишбилармонлар халқлар ўртасида кейинги пайтда заифлашиб қолган қардошлик ришталарини тижорат йўли билан яна ҳам боғлаб мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшмоқдалар. Бу фаолият Республика Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг фуқаролар турмуши осойишталигини барқарорлаштиришга қаратилган сиёсий йўлига тамомила мос келади.

Қадим-қадимлардан бери мамлакатлар ўртасида тинч муносабатлар ўрнатиш, бир-бирига маданият элтишда савдо аҳли, тижоратчилар ўзига хос роль ўйнаганлар. Бир-бири билан ўзаро фойдали савдо қилган халқлар ҳеч қачон бир-бирига қўл кўтармайдилар! Буюк Ипак йўли ўтган манзилларда карвонсаройлар, бутун-бутун шаҳарлар пайдо бўлган. Кўҳна Самарқанд, азим Бухоро, гўзал Фарғона ва Шош атрофида археолог олимлар топган кенту работлар савдо йўлидаги жамики масканлар ўша даврда обод ва фаровон бўлганидан дарак бермоқда.

ДЕМАК, она тарихимиз қатламларида бугунги ишбилармонлар, биржа усталари учун ўрганса арзийдиган анъаналар, ёзилган ва ёзилмаган қонун-қоидалар бор. Менимча, биржа кишиси энг аввало ҳалол бўлиши, шеригининг ҳақ-ҳуқуқини сира камситмасдан иш кўриши лозим. Шарқда Ғарбдагидан фарқли ўлароқ инсоф, одамгарчилик, меҳр-шафқат хислатлари борки, улар энг аввало тижорат аҳлига хосдир. Бу ҳақда аллома адибимиз Абдулла Қодирий ўзининг нуроний қаҳрамони Юсуфбек Ҳожи тилидан топиб айтиб қўйган: Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб чиқиб кетмаслиги керак.

Йигирма биринчи аср бўсағасида турибмиз. Ахборот асри ўзининг такомил нуқтасига чиқиб бормоқда. Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш ғоясини олға суришда оммавий-ахборот воситаларининг алоҳида хизмат кўрсатганлиги маълум. Матбуот саҳифаларида жаҳон амалиёти ривожланишида бозор иқтисодиётининг ўрни ва аҳамияти ҳақида ёзилди. Хўжалик юритишнинг мутлақо янги тартиботига ўтиш осон бўлмаслиги одамларга уқтирилди. Бугунга келиб бозор муносабатларини жон-жаҳди билан ёқлаган матбуотнинг ўзи қоғоз тақчиллиги туфайли катта моддий қийинчиликларга дучор бўлмоқда. Лекин бундан қатъи назар, биз бозор йўлини ҳимоя қила берамиз. Шу мақсадда газетамизнинг ички тўрт саҳифасида мажозий маънода «Осиё бозори» деб аталган умумий рукнлар устида бозор иқтисодиётига доир туркум материалларни эълон қилаётирмиз.

Осиё бозори меҳмондўст Ўзбекнинг бағридай кенг, сахий ва танти. Инсоният ўз тарихида ихтиро этган, камолга етказган жамики моддий ва маънавий муносабатлар, халқ турмуш тарзию тирикчилик даражаси ҳам бозорда акс этади. Газетамиз иқтисодиёт ривожининг замини бўлган бозор муносабатлари масалаларини рўй-рост ёритиб, республикамизда оқил ишбилармонлар сафини кенгайтиришга ҳисса қўшиш ниятидадир.

Бозор иқтисодиёти кишилардаги ташаббус, тадбиркорлик ва чин маънодаги уддабуронликни юзага чиқаради. Шу фазилатлар ила бойиган одамнинг маънавияти бойиб, гўзаллаша боради. Бундай жамият мустаҳкамланади. Жонажон давлатимизнинг моддий қувватларини бойитишда республикамиз барча ишбилармон ва тадбиркорларига, жумладан «Тошкент» биржаси жамоасита ҳам омадлар тилаймиз.

● Бозор атамасининг қомусий талқини:
1) Савдо-сотиқ қилинадиган муайян жой,
2) Товар айирбошлаш соҳаси.
● Миқёси жиҳатдан у

ОТАНГ БОЗОР, ОНАНГ БОЗОР

ички (маҳаллий, миллий) бозор ва ташқи (жаҳон) бозорга бўлинади.

● Биржа (лотинчада «ҳамён») — қимматбаҳо қоғозлар (фонд), товарлар билан улгуржи савдо қилинадиган бозор Шунингдек, жаҳон амалиётида меҳнат биржалари ҳам мавжуд.

ЭЗГУ НИЯТ ЙЎЛИДА

Қобил УСМОНОВ,
«Тошкент» биржаси бошқарув раиси

Ҳурматли муштарийлар! Мана, биринчи марта «Ўзбекистон овози» газетаси билан «Тошкент биржаси» ҳамкорлигида тайёрланган бозор иқтисодиётига доир материаллар туркуми билан танишаётирсиз. Биз туркумни «Осиё бозори» деб аташга қарор қилдик.

«Тошкент» биржаси республикада энг оммавий газета билан ҳамкорликда шундай иш қилганлигининг жуда муҳим сабаблари бор. Ҳозирча Ўзбекистонда муштарийларга ғоят муҳим тижорат ахборотларини етказиб берадиган ихтисослашган газета ва журналлар камдир, тижорат иши билан шуғулланувчиларга мўлжалланган нашр эса амалда йўқ. Бинобарин, бундай ахборот ва маълумотлар ҳозирча ўзбек тилида чиқарилмаётгани ҳам яхши эмас.

«Тошкент» биржаси ва «Ўзбекистон овози» газетаси ўзларининг мустақил Ўзбекистоннинг маърифатлашган бозор муносабатлари сари ҳаракатида янги-янги саҳифалар очиш анъаналарига мувофиқ ана шу ташаббусни бошладилар. Бу ташаббус на фақат ишбилармонлар доираси, балки республика аҳолисининг кенг табақалари томонидан ҳам мамнуният билан қабул этилади ва қўллаб-қувватланади, деган фикрдамиз.

Бир йилдан сал кўпроқ вақтдан бери иш кўраётган «Тошкент» биржаси шу қисқа вақт ичида катта йўлни босиб ўтди. Биринчи қудратли бозор тузилмаси ўлароқ, у кооператив ҳаракатининг илгариги хатоларини ҳисобга олди, олинаётган даромадларни истеъмол фондига ўтказишга берилиб кетмади, балки унинг каттагина қисмини бозор инфраструктурасини ривожлантиришга йўналтирмоқда. Биржа Осиё Халқаро акционер-тижорат банки, «Умид» суғурта компанияси, «Узинвестсервис» инвестиция компанияси, «Карвон» ўзбек-рус савдо уйи, «Зиёрат» саёҳат фирмаси, «Вақт» акционерлик жамияти ахборот компанияси, «Биржевой Вестник Востока» каби нодавлат тузилмаларини ташкил ва таъсис этиш ташаббускори бўлди.

«Тошкент» биржаси Ўзбекистон Республикасининг қарор топаётган бозор иқтисодиёти тизимида етакчи ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. У ишбилармонлар орасида обрўга эга, уни ҳокимликлар, жамият қўллаб-қувватламоқда. Биржа МДҲ давлатлари ҳамдўстлигидаги бошқа мустақил давлатларнинг бозор тузилмалари ва хорижий мамлакатлар билан кенг алоқаларга эга. Бизнинг биржамиз республикада товар-хом ашё ресурслари биржа савдоси доирасидагина кашфиётчи бўлиб қолмай, у қимматли қоғозлар маърифатли бозорини шакллантиришда фаол қатнашаётир, форвард ва фьючерс олди-соттилари бозорини яратиш устида иш олиб бормоқда. «Тошкент» биржаси юзлаб далолик (брокерлик) ва дилер идораларининг вужудга келиши ва ривожланишига кўмаклашди, собиқ Иттифоқ давлатлари билан чинакам тенг ҳуқуқли хўжалик алоқаларини шакллантиришга амалда киришиш имкониятини яратди.

Биз жамоатчилик фикрини шакллантиришга, жамиятни бозор иқтисодиётига ўтиш қийинчиликларини енгишга психологик жиҳатдан тайёрлашга катта эътибор берамиз.

70 йил мобайнида бошқа шиорлар остида яшаган, афзалликлар ва қадриятларнинг бошқа тизимини қабул этган одамларга ҳозирда рўй бераётган жараёнларни тушуниб олиш баъзан жуда қийин бўлади. Ўлар иқтисодиётдаги у ёки бу бозор тузулмаларининг роли тўғрисидаги саводли ва ҳақиқатдан иборат материалларга муҳтождирлар. Бошқа бировларни эса эркин нархлар ва хўжалик алоқалари мураккаб оламида мўлжалларни белгилаб олиш имконини берадиган кенг кўламдаги тижорат ахборотлари қизиқтиради. Учинчилар эса Ўзбекистонда янгидан пайдо бўлган бозор тузилмалари қандай яшамоқда, уларнинг муаммолари, интилишлари, истиқболлари нимадан иборатлигини билишни истайдилар.

Бизнинг биржамиз ҳамма вақт ва ҳамма жойда фуқаролар тотувлиги ва ҳамжиҳатлиги йўлини қўллаб-қувватлайдики, бу ишбилармонликни ривожлантиришнинг, меҳнаткаш халқимиз хотиржам ишлаб яшашининг бирдан бир ишончли гаровидир.


Биз «Ўзбекистон овози» муштарийлари билан танишаётганимиздан, республика аҳолиси катта қисмининг тижорат ахборотига бўлган эҳтиёжларини қондириш имконини берадиган ҳамкорлигимизнинг илк мевасини эътиборингизга ҳавола этаётганимиздан хурсандмиз. Ишонамизки, бу туркум материаллар сизларнинг эътиборингизни тортади. Биз ўзбеклар диёрида буюк Ватанимиз фаровонлиги йўлида ишбилармонликнинг равнақ топишига кўмаклашишни хоҳлаган барча кишиларни очиқ ҳамкорликка таклиф этамиз.

● *Фарғона водийси*

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

«Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», деганларидек Ўрта Осиё биржачилари ҳам бир ёқадан бош чиқармоқдалар. Фарғона водийси биржалари бирлашиб, ягона халқа яратаётганлиги бунга мисол бўла олади. Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари, шунингдек Қирғизистон жанубидаги биржаларнинг ишбилармонлари яқинда самарали ҳамжиҳатлик сари дадил қадам қўйдилар. Дастлабки музокаралар самарали бўлди. Бу фикр Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалари ассоциацияси (АБСАК)га ҳам маъқул тушди.

Қирғизистон Республикасининг бошқа биржалари ҳам ягона савдо кенглигини йўлга қўйишни кўзламоқдалар. Бу савдо даврасига Бишкекдаги уч биржа, шунингдек, Жалолобод ва Ўш биржалари ҳам қўшилдилар. Ўш товар жамғарма биржаси воситасида брокерлар Қозоғистоннинг ўнлаб биржалари билан олди-сотди ишларини бошлаб юбордилар. Селекторли синов савдоси натижалари чакки эмас. Икки ойдан буён ўтказиб келинаётган ҳар галги савдонинг ўзида товар оборати 208 миллион сўмгача кўпайиб борди.



Ҳадемай, азим Тошкент марказий кўча ва майдонларида Мустақиллик байрами шодиёналари бошланади. Бу улуғ айёмда республикамиз тадбиркорлари билан бир қаторда хорижлик ишбилармонларнинг вакиллари ҳам иштирок этадилар. Суратда: пойтахтимиз Тошкент маркази.
ЎзА фотохроникаси.

● *«Тошкент» биржаси бир йилда*

ҚАДАМ-БАҚАДАМ

1991 йил 3 апрель — «Тошкент» биржаси жавобгарлиги чекланган жамият сифатида рўйхатга олинди.

1991 йил 5 май — Минтақалараро биржа иттифоқи аъзоси бўлди.

1991 йил 15 июнь — «Тошкент» биржаси тақдимоти ва биринчи савдоси ўтказилди.

1991 йил 21 июнь — Брокерлик ўринларининг биринчи ким ошди савдоси, 1991 йил 10 июль—Брокерлик ўринларининг иккинчи ким ошди савдоси.

1991 йил июль — август — Комиссион йиғимлар: барча товарлар бўйича 2 фоиздан 0,5 фоизга, пахта бўйича эса 0,2 фоизга туширилди.

1991 йил июль — Биржалар конгрессининг аъзоси бўлинди.

1991 йил август — Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалар Ассоциацияси (АБСАК)нинг аъзоси.

1991 йил август — Ҳафтасига икки марта савдо-сотиқ қилишга ўтилди.

1991 йил 4 август — «Тошкент» биржасининг фонд бўлими тузилди.

1991 йил 15 август — «БВВ»нинг биринчи сони чиқди.

1991 йил 27 август — «Тошкент» биржаси Устав маблағи 60 миллион сўм бўлган Акционерлик жамиятига айлантирилди.

1991 йил сентябрь — «Автоматлаштирилган иш ўрни» «АРМброк» тизими ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.

1991 йил 29 сентябрь — «Тошкент» биржаси ва Россия товар биржасининг биргаликдаги савдоси ўтказилди.

1991 йил октябрь — Ихтисослашган пахта секцияси иш бошлади.

1991 йил 21 октябрь— Ҳафтасига уч марта савдо ўтказишга ўтилди.

1991 йил октябрь — RELCOM халқаро тизимига кирди.

1991 йил 8 октябрь — Товар секцияси брокерлик ўринларининг учинчи ким ошди савдоси бўлди.

1991 йил 13 ноябрь — Биржада биринчи хорижий фирма («Табанн корпорейши» — Покистон) рўйхатга олинди.

1991 йил декабрь — Тўнғич корхона — «Термиз» биржаси тузилди.

1991 йил 12 декабрь — «Тошкент» биржаси акцияларининг биринчи ким ошди савдоси.

1991 йил 14 декабрь — «Караван» ўзбек ва рус савдо уйи таъсис этилди.

1992 йил 11 январь — АБСАКнинг Тошкентдаги мажлиси, «Азия-информ» акционерлик жамияти таъсис этилди.

1992 йил 16 январь — «Тошкент» биржасида илк бор валютали битим тузилди.

1992 йил 30 январь — «Тошкент» биржаси акционерларининг йиллик мажлиси, Устав маблағи 80 млн. сўмгача кўпайди, фонд бўлими қимматбаҳо қоғозлар билан доимий савдо қилишга ўтди.

1992 йил 15 февраль — АМАКбанк (Осиё халқаро акционерлик — тижорат банки) таъсис этилди.

1992 йил 20 февраль — «Узинвестсервис» фирмаси таъсис этилди.

1992 йил март — «Умид» акционерлик суғурта кампанияси таъсис этилди.

1992 йил март — МДҲнинг 9 та биржаси билан биринчи компьютерли савдо-сотиқ ўтказилди.

1992 йил 19 март — Қимматбаҳо қоғоз-акцияларнинг ким ошди савдоси.

1992 йил 26 март — Энг йирик битим тузилди (261 млн. сўмлик, пахта).

1992 йил 23 апрель — АБСАКнинг навбатдан ташқари йиғилишида «Самарқанд даъватномаси» қабул қилинди.

1992 йил 7 май — «Зиёрат» сайёҳлик фирмаси таъсис этилди.

Интеллект Intellect

«ИНТЕЛЛЕКТ» ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЎҚУВ МАРКАЗИ

Шахсий компьютер билан ўз мулоқот даражасини оширмоқчи бўлган барча кишиларни жадал таълим курсларига таклиф этади. Машғулотларни юксак малакали ўқитувчилар ва тажрибали амалиётчи мутахассислар олиб борадилар.

Таълим тўртта асосий йўналиш бўйича ўтказилади:

— Бошловчилар учун компьютер (компьютер бизнесда, компьютер иш юритишда);

— Дастурлаштиришнинг замонавий тизимлари (TURBO C++, BORLAND C++, TURBO PASCAL, TURBO Assembler);

— Энг оммавий амалий дастурий маълумотлар билан ишлаш: Word Perfect, AUTOCAD Autolisp матнли процессор, PARADOX ва Paradox Engine маълумотлар базаси, Quattro Pro, Excel, Supercalc электрон жадваллари.

Ихтирочилик (АСПНТР «Интеллект») ва таълим (АОС «Универсал») соҳасидаги янги ахборот технологиялари.

Жами курслар фақат дастурий воситалар ва муаллифлик дастурий маҳсулотлари лицензион мажмуалари асосида ўтказилади.

Курслар давомийлиги IBM PC туридаги шахсий компьютерда ўқитувчи раҳбарлигида 40 соатлик якка тартибдаги амалий ишлашдан иборатдир. Курс тугагандан сўнг тингловчилар ҳоҳишига кўра ЭҲМда ўз вазифаларини тайёрлаш ва ҳал этиш бўйича қўшимча машғулотлар ташкил этилиши мумкин.

Курсларни муваффақиятли тугатган тингловчиларга инглиз тилидаги халқаро намунадаги сертификатлар берилади.

Ўқув марказида барча истовчилар учун пуллик маслаҳатлар ўтказилади ва ўқитилаётган курслар бўйича пуллик имтиҳонлар қабул қилинади.

Ўқув маркази буюртмачи базасида кўчма машғулотлар ташкил этади ва ўтказади.

Бизнинг телефонлар: 32-74-39, 33-62-42. Факс 32-74-39.

● *Тожикистон*

ТАҚДИРИМИЗ БИР, БОЗОРИМИЗ БИР

Биржаларнинг шаклланиш жараёни ниҳоясига етди. Янги иқтисодий тизимга қандай бардош бериш керак? Жумладан Тожикистонда юз бериб турган тиғиз социал-иқтисодий шароитларда қандай қилиб ҳаёт имтиҳонидан ўтиш мумкин? Қўрғонтепа «Ипак йўли» кўп тармоқли биржасининг бош бошқарувчиси **Аловиддин СОЛИЕВ** бундай дейди:

— Аввал биржанинг умумий қиёфаси ҳақида гапириб берай. Вилоятимизнинг деярли барча йирик корхоналари азот ўғит заводи, пахта саноати бирлашмаси, ипак бошқармаси, трансформатор заводи, қурилиш ташкилотлари, йирик қишлоқ хўжалиги жамоалари биржамизнинг таъсисчилари ва улушдорларидир.

Биз ишни қандай бошладик? Дастлаб биржани оёққа турғазиш, калаванинг учини топиб олиш учун кўп изландик. Бир қатор ташкилий ва амалий ишларни бажаришга тўғри келди. Ҳар бир иш хамиридан қил суғургандек битмас экан. Катта сувга катта кўприк керак бўларкан. Минтақамизда биржа фаолиятини оёққа турғазиш учун кўп ишларни амалга оширдик.

Биринчидан, Москва ва Душанбе шаҳарларидан мутахассислар чақириб брокерлар ўқишини ташкил этдик. Биржа фаолияти билан бевосита боғлиқ тафтишчи гуруҳлар ва хизматлар билан ўтказилган учрашувларда чигал масалалар ва асоссиз тўсиқларга оид ҳар хил фикрларга аниқлик киритдик.

Иккинчидан, Яқин-яқинларгача вилоят раҳбарлиги биржаларга, майинроқ қилиб айтганда, унча яхши қарамас эди. Лекин биз томдан тараша тушгандек муносабатга ўтмадик, балки томонлар билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик зарур эканлиги тўғрисида оқилона тушунчага эришдик.

Учинчидан, тадбиркорлик исталган мамлакатда социал шерикчиликсиз пуч гаплигини янада кенг мазмунда англаб етдик. Бизнинг ишимиз оддий деҳқондан то корхона раҳбаригача — ҳамма учун тушунарли ва фойдали бўлмоғи керак. Ана шунинг учун ҳам ишни меҳр-шафқат маросимларини ўтказишдан, турли ташкилотларга ёрдам беришдан бошладик. Бу ишларга ярим миллион сўм маблағ сарфланди. Пуллар вилоят она тили жамияти ва болалар жамғармаларига, Қизил Ярим ой жамияти, фахрийлар кенгашларига ёрдамга сарфланди. Биз китобларни нашр этишни маблағ билан таъминладик. Қўрғонтепа ва Пахта районларида мактаблар ремонтига пул бердик. Шундан кейин биржанинг тарафдорлари пайдо бўлди. Эндиликда биз маҳаллий ҳокимият ўтказаётган барча тадбирларда қатнашмоқдамиз. Масжидлар, фахрийлар кенгашларига брокерлик ўринларини бепул бердик ва улар ҳозирда илдам ишламоқдалар.

Социал шерикчилик ўзининг аниқ ва етилган самарасини бермоқда. Эндиликда бизни яхши тушунишмоқда, хайрли ишларимизга қараб ҳурмат қилишмоқда ва ҳар бир ишда биз билан маслаҳатлашадиган бўлиб қолишди. Акционерлик жамиятимиз кенгашининг раиси В. Хўжаев вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари этиб сайланганлиги ҳам бежиз эмас.

Қўрғонтепа «Ипак йўли» универсал биржасининг алоқа телефонлари: (377—22) 2-37-15.

БИРЖА ТОШКЕНТ БИРЖАСИ

МЕҲР-ШАФҚАТ

Ўлжас СУЛАЙМОНОВ: БОЛАЛАРНИ ҚУТҚАРАЙЛИК

Урта Осиё ва Қозоғистон биржаларининг ассоциацияси тузилиб, иш бошлагани ҳақида илгари хабар қилган, жумладан Самарқанд даъватномасини чоп этган эдик. Яқинда шу уюшма бошқарувининг мажлиси Павлодар шаҳрида ўтказилди. Бу ерда минтақа биржаларининг хайр-эҳсон фаолиятлари доирасида «Болаларни қутқарайлик» меҳр-шафқат ҳаракатини ўтказишга қарор қилинди. Қуйида «Невада — Семипалатинск» ядрога қарши халқаро ҳаракатининг Президенти Ўлжас СУЛАЙМОНОВнинг нидоси билан танишинг:

Урта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг тадбиркорларига мурожаат.

Муҳтарам жанобларі Агар яқин ўтмишимиздаги тоталитар тузум томонидан Оллоҳ ва инсонлар кўз ўнгида жазога тортилганлар олдида адолатлилик ва маънавий бурчимизни тан олмайдиган бўлсак, минтақамиздаги давлатларнинг демократик ва фаровон жамиятга айланиши мумкин бўлмайди.

КЕЛГУСИ АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ БУРЧИМИЗНИ АДО ЭТАЙЛИК

Давлат ҳаддан ташқари ғоявийлик пардаси билан ўраб ташланган жуда кўп ватандошларимиз хавфли хасталикларга, ижтимоий кемтиклик ва қашшоқликка дучор бўлди. Уларнинг кўпчилиги иқтисодий инқироз ва жамият ўзгариши давридаги ҳаётларининг изга тушмаганлиги оқибатида икки карра оғир ситамларни бошдан ўтказмоқдалар. Аммо, тоталитаризмнинг ғайриинсонийлиги ва тузумнинг табиий омили — милитаризмнинг қора иши ядро синовларининг оқибатлари билан боғлиқдир.

Эҳтимол, қачонлардир келгусида инсоният ўз боши устида узоқ 40 йил давомида даҳшатли тажриба ўтказишига ўзининг алоқадорлигини тўла-тўкис англаб етар. Жафокаш Қозоғистоннинг замини усти ва остида шунча йиллар давомида ядро портлашлари тинмади. Умуминсоний адашишларнинг айбсиз қурбонларига айланиш тақдирига тушган бебахт болалар оғир ва қисқа ҳаёти қандай кечади?

Муҳтарам жанобларі Сизларни Қозоғистонда ядро синовларидан зарар кўрган болаларга меҳр-шафқат кўрсатиш ва қайғудош бўлишга чақираман. «Болаларни қутқарайлик» ҳаракатида қатнашинг ва Павлодардаги болалар шифохонаси қурилишига ҳомийлик ёрдами беринг.

Шуни эсда тутишимиз лозимки, ядро синовларидан жабр тортган болаларга ёрдам берар эканмиз, биз нафақат уларга яшаб қолиш учун умид ҳадя этамиз, балки айни пайтда сиз билан бизнинг зурриёдларимиз яшайдиган инсонпарвар жамият қурган бўламиз.

Жанобларі Сизларнинг хайрли ҳаракатингиз жамиятга унинг келгуси авлодлар олдидаги адолатли маънавий бурчини бажаришга ёрдам беради.

• • •

«Болаларни қутқаринг» ҳаракатининг Павлодардаги (Қозоғистон Республикаси) махсус ҳисоб рақами—700936 (сўмлар учун), Туронбанк вилоят бошқармасида 001070908 (доллар учун). МФО 193201311.

ИШБИЛАРМОНЛАР, ДАЛЛОЛ (БРОКЕР)ЛАР, ДАЛЛОЛЛИК ИДОРАЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА

Ишбилармонлар, даллол(брокер)лар, далолллик идоралари, корхона ва ташкилотлар диққатига

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ

Даллоллик идоралари учун тўлароқ қулайлик яратиш, олди-сотди битимлар тузишни тезлатиш, биржа савдосини ўтказиш технологиясини такомиллаштириш мақсадида

1992 ЙИЛ 25 АВГУСТДАН

Биржа ахборот тизимини қўлланиш йўли билан

ҲАР КУНИ

савдо ўтказа бошлайди.

«Тошкент» биржасининг савдо залидаги ялпи савдо

ФАҚАТ СЕШАНБА КУНЛАРИ

Соат 10 да ўтказилади.

Биржа савдосини ўтказиш қоидалари билан «Тошкент» биржасининг товар бўлимида батафсил танишиш мумкин.

Алоқа телефонлари: 45-83-87, 45-84-86.

ҲАЛОЛЛИК ВА ХОЛИСЛИК

«Тошкент» биржасида 1992 йилнинг биринчи ярмида молия, хўжалик ва тижорат фаолияти аудитор тафтишидан ўтказилди. Тафтиш натижалари ҳақидаги саволга «Узхорижаудит» фирмаси бошқарувининг раиси А. Б. КИМ шундай жавоб беради:

— Умуман, аудиторлик хизмати собиқ Иттифоқда 1987 йилда ташкил қилинганди. Уч йилдан кейин Тошкентда «Инаудит» акционерлик жамиятининг вакиллиги очилди. Ҳозир у масъулияти чекланган мустақил фирма сифатида ишлаб турибди.

Аудиторлик текширувларининг натижалари аслида тижорат сири ҳисобланади. Лекин шундай савол тушган экан биржа бошқаруви раисининг ўринбосари В. Ергашбоев розилиги билан бу ҳақда очиқ айта оламан. Биржанинг молиявий ҳолати барқарор, қимматбаҳо қоғозлар, тегишли маблағлар билан таъминлаб қўйилган.

Кимда-ким хизматимизга зарурат сезса қўнғироқ қилишлари мумкин: (37-12) 33-36-41.

"Тошкент" биржасида кейинги ҳафтада савдога қўйиладиган молларнинг қисқача рўйхати

"Мойлаги сайра балиғи" консерваси, 1 банкаси 230 гр	банкаси	25 сўм
Қулупнай мураббоси, 0,5 л	банкаси	91 сўм
Тухум порошоги (18 килоли қопларда)	килоси	150 сўм
1992 йил ҳосил узуми (ёғоч қутиларда)	тоннаси	20 000 сўм
Енгил узум шароби, 1991 йил	литри	18 сўм
Юқори босимли полиэтилен (гранулаларда), Германия	тоннаси	110 000 сўм
Қоракўл қўйлар жуни	килоси	150 сўм
Гуллик кўрпа-ёстиқ жилди	тўпи	450 сўм
"Ғунча" болалар велосипеди	донаси	550 сўм
СД-2 болалар ўзиюрар аравачаси	донаси	260 сўм
Иссиқлиги ўзгартирилувчи УТ-400-0,8 электрдазмоли	донаси	450 сўм
Телефон-трубка, Жанубий Корея маҳсулоти	донаси	400 сўм
ГАЗ-2410 автомобили, 1989 йил, 37 км., (Мерседес дизель мотори қўйилган)	донаси	800 000 сўм
КамАЗ 53213 – сув ташишга мўлжалланган икки идишлик	донаси	1 600 000 сўм
БС-007 бетонқориштиргич	донаси	23 100 сўм
Хом ғишт қўйиш линияси. йилига 5 млн. ғишт	донаси	3 000 000 сўм
Шамсия-автомат, Корея маҳсулоти	донаси	300 сўм
Игнабарг дарахт ёғочидан тахта, 40-60 мм	куб.метри	8000 сўм
Оддий ДВП 1,75х2,75	кв.метри	90 сўм
Игнабарг дарахт ҳодалари, 4-6 метр	куб.метри	3700 сўм
Шлакоблоклар 400х200х200	донаси	10,5 сўм
Т78мм 6х0,6М Ст.73 пўлат тасмалар	тоннаси	15 000 сўм
D25 сувгаз қувури	тоннаси	33 000 сўм
1250х2000х2 мм ст.35 пўлат	тоннаси	23 000 сўм
32, 45, 57 ммли, 140х140, 160х160 бурчакли темир	тоннаси	18 000 сўм
Оқ симоб	килоси	130 сўм
Магний МА-8Ц	тоннаси	110 000 сўм
Швеллер №20	тоннаси	19 000 сўм
Кальций карбиди, 260 килолик ғўлачаларда, чет элники	тоннаси	80 000 сўм

Жаҳон бозорининг ўз талаблари бор

АҚШда хонатласни кутишганди

● Марғилон хонатласининг таърифига ҳожат йўқ. У — ўзбек аёлларининг энг ардоқли газламаси. Иқтисодиётда рўй бераётган қийинчиликларга қарамай, шаҳардаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасида доимий иш мароми сақлаб қолинган.

Россия, Украина ва бошқа баъзи республикалардаги корхоналар кимёвий тола, бошқа хом ашё маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан олган шартномаларини бажаришмаяпти. Бошқа қийинчиликлар ҳам бор. Аммо бирлашмада кейинги уч ойда давлат буюртмаси тўлиқ бажарилиб, режадагидан ортиқча 17,7 минг метр газлама, 23,6 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Муваффақиятнинг боиси нимада?

— Хом ашё йўқ, деб қўл қовиштириб ўтирмадик, — дейди бирлашма бош директори Ш. Қодиров. — Ишнинг қаловини топишга ҳаракат қилдик. Масалан, Красноярск шаҳридан сунъий тола келмай қолса, биз унинг ўрнига пахта толаси ишлатишни ўрганиб олдик. Тверликлар бизга пулга хом ашё сотишга рози бўлишмади. Уларнинг шартига кўра, Самарқанддан спорт костюмлари, Фарғонадан пойабзал сотиб олиб Тверга юбордик. Эвазига улар зарур хом ашёни жўнатишди. Баъзан мана шундай қилишга ҳам тўғри келяпти. Лекин, энг муҳими, ишчиларимизнинг катта иштиёқ, меҳр билан меҳнат қилишаётганидир.

Тўғри, хом ашё нархларининг ошиши сотувдаги хонатласнинг нархини кўтариб юборди. Дўконларда атласнинг туриб қолишига унинг сифати ёки ҳаддан зиёд кўплиги эмас, балки нархининг юқорилиги сабаб бўляпти. Натижада бирлашма билан шартнома тузган кўпгина савдо корхоналари ва базалари бирлашмага тегишли пулни вақтида етказиб беролмаяптилар.

Ҳозирги пайтда «Атлас» бирлашмасига тўланмаган пул миқдори 118 миллион сўмга етди. Бу эса ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ишчиларга етарли миқдорда иш беришда қийинчилик туғдирмоқда. Шундай шароитда хонатласни жаҳон бозорига чиқариш учун Туркия, Хитой, Америка Қўшма Штатларидаги савдо фирмалари билан алоқалар боғланди. Айниқса, АҚШнинг «Гудвил трейдинг» фирмаси билан ҳар икки томон учун фойдали алоқалар ўрнатилди. Фирма вакили келиб, бирлашма раҳбарияти билан шартномалар имзолади.

Келишувга мувофиқ, Америка фирмаси Европа, мусулмон мамлакатлари ва бошқа қатор жойларда Марғилон хонатласи учун харидорлар топиши, унинг рекламасини ташкил этиши лозим эди. Жаҳон бозорида рекламанинг аҳамияти баланд. Бундан ташқари, фирма билан бирлашма ўртасида газлама бўяш қўшма корхонаси қуриш ҳақида ҳам келишиб олинди.

Апрель ойи охирларида «Атлас» бирлашмаси Америкада бўладиган ҳалқаро ярмаркага таклиф этилди. Ярмаркада намойиш этиш учун хонатлас намуналари танлаб олинди. Афсуски, энг сўнгги дақиқада — номаълум сабабларга кўра марғилонликлар сафари амалга ошмай турибди.

— Биз у ерда маҳсулотимиз учун харидорлар топишимиз, чет эл маблағини жалб этишимиз мумкин эди, — деди бирлашманинг ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи С. Тошпўлатов. — Халқаро ярмаркага бормаганимиз америкалик шерикларимиз томонидан салбий баҳоланди. Минг афсуски, сўз билан иш бошқалиги каби иллатдан ҳали қутилмаган эканмиз.

С. Тошпўлатовнинг куюнишида жон бор. Чунки корхоналар жаҳон бозорига интилаётган бир пайтда уларни рағбатлантириш ўрнига ташаббусини бўғиш жумҳурият обрўсига хизмат қилмайди, деб ўйлаймиз.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

НАРХИГА ЯРАША СИФАТИНИ ЯХШИЛАЙМИЗ

БАРАКАСИНИ БЕРСИН

Муҳаббат ХУДОЙҚУЛИЕВА:



билан танишамиз, деган умиддаман. Ўйлайманки бу республикамиз тижоратчилари ишида жуда қўл келади. «Осиё бозори»нинг ҳам баракасини берсин.

А. РЎЗИЕВ ёзиб олди.

«Туркистон» Ўрта Осиё минтақалараро товар, хом ашё ва фонд биржаси фаолият кўрсатаётганига икки ой бўляпти. Шунга қарамай, у республикамизда иш кўраётган йирик биржалар сафидан ўзига хос ва мос ўринни эгаллади. «Туркистон» биржасида ишлар қандай кетаётганлиги, унинг мақсад ва режалари тўғрисида мухбиримизга биржа бошқарувининг раиси Муҳаббат Абдуллаевна ҲУДОЙҚУЛИЕВА сўзлаб берди:

— Эл-юртимиз тўкинчилиги фидокор шаҳар-қишлоқ меҳнаткашлари ғайратига боғлиқ. Техника эса деҳқончилик қанотидир. Собиқ Иттифоқ тарқалиб кетгач, иқтисодий алоқалар ҳам издан чиқди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигини зарур машина-механизмлар, эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда тақчилликни келтириб чиқарди. Боз устига нархнаво ҳавога сапчиётган бозор иқтисодиёти шароитларида уларни бошқа республикалардан келтириш ҳам жуда қимматга тушяпти. Бундай тақчилликни юмшатиш, бободеҳқонларимиз оғирини енгил қилиш мақсадида «Туркистон» Ўрта Осиё минтақалараро товар, хом ашё ва фонд биржаси дунёга келди. Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистоннинг йирик корхоналари ва ташкилотлари, шунингдек, Беларусь ва Москва ташкилотлари, ўзимиздан эса «Ўзқишлоқхўжалик таъминот-тузатиш» давлат ширкат қўмитаси, «Турон» тижорат бирлаштирув банки, «Ўзагропром» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент мотор заводи ва бошқалар биржамиз таъсисчиларидир.

25 июнда биржамиз ўзининг дастлабки савдо-сотиғини ўтказди. Шуни қувонч билан айтмоқчиманки, у чакки бўлмади. 135 миллион сўм. Бундан ташқари савдога қўйилган моллар бўйича 50 миллион сўмлик истак қайд этилди.

Эндиликда ҳар ҳафтанинг пайшанба куни Абай кўчаси, 4«а» уйдаги манзилгоҳимизда савдо-сотиқ ўтказаяпмиз. Мавриддан фойдаланиб, манфаатдор томонларни «Туркистон» билан амалий ҳамкорликка чорламоқчиман. Дарвоқе, бизда харидордан ҳам; сотувчидан ҳам 0,3 фоиз миқдорида ҳақ олиняпти. Бу «Туркистон» жамоасининг халқимизнинг «инсоф сари барака» удуми асосида иш кўраётганлигининг амалий намойишидир.

Рўзномаларни, айниқса «Ўзбекистон овози»ни катта қизиқиш билан ўқиб бораман. Зеро унда ҳаётимизнинг долзарб масалалари кўтарилмоқда. Энди севимли газетамизда «Осиё бозори» иловаси ҳам дунёга келибди. Бу нур устига аъло нурдир. Бозордан турли маҳсулотларни топиш мумкин бўлганидек, мазкур илованинг саҳифаларида бозор иқтисодиётининг, тижоратнинг турли муаммолари ёритилган мақолалар

ЭЪЛОН

18 – 25 ЁШЛИ ГЎЗАЛ ҚИЗЛАР!

Агар сиз яқин шарқда яшовчи, турли диний эътиқодга мансуб бўлган ўзига тўқ фуқаролар билан никоҳ иттифоқини тузмоқчи бўлсангиз, у ҳолда 96-06-01 телефони бўйича қўнғироқ қилинг ёки қуйидаги манзилгоҳга ташриф буюринг: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 29-Б уй.

«Ҳуқуқий маслаҳат» Лисунов номидаги кинотеатр яқинида.

ШОШИЛИНГ. ЎЗ ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

«МЕНАХЕМ» ИСРОИЛ ХАЛҚАРО НИКОҲ ИДОРАСИ НОМИДАН ВА ТОПШИРИҒИГА БИНОАН «ШАРҚ» ҲУҚУҚИЙ ФИРМАСИ.

ТОШКЕНТ ТАЙЁРАГОҲИ ШАРҚНИНГ САМОВИЙ ДАРВОЗАСИ. Бу даргоҳ расмий кузатишлар, хорижлик олий меҳмонлар, тижорату-зиёрат вакилларини кўндан-кўн кутиб олиш маросимларига гувоҳ. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кемалари жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатларига мунтазам парвоз қилмоқда.

Суратда: тайёрагоҳда оқшом яўкканда.

Суратқаш В. КАЗАНЦЕВ.





«Тошкент» биржасида ўтган қисқа вақт ичида биз учун мутлақо янги касб эгалари етишиб чиқди. Биржа фаолиятини менежер , дилер, даллол (брокер) ва бошқаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. «Жаҳон» даллоллик идорасида ўз касбининг усталари бўлган фонд бўлимининг,мудири Г. Орлинский (чапдаги сурат), мол бўлимининг мудири Ю. Цой, даллол И. Наумочкина, бош даллол Н. Петровларни бутун жамоа ҳурмат қилади.

Ҳисоблаш марказини биржанинг асаб томири деса бўлади. Ўнгдаги суратда замонавий компьютерларга ақл ўргатувчилардан электрончи муҳандис В. Тимошин, ҲМ бош конструктори К. Эрғозиев, алоқачи муҳандис К. Смирновларни кўриб турибсиз.

Владимир МОЛГАЧЕВ суратлари.



БИРЖА БИРЖАСИ ТОШКЕНТ

• *Тадбиркорлар, огоҳ бўлинг!*

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ, КЎЗНИ ЧИҚАРМАНГ

Бугунги кунда инсоният ўз турмушида фойдаланаётган энергиянинг тўртдан бир қисмини электр қуввати ташкил этади. Фан, техника ва ишлаб чиқариш тараққиёти, инсон меҳнати ва турмушини бу бебаҳо қувватсиз тасаввур этиб бўлмайди. Электр ускуналари ва жиҳозларидан оқиллик билан фойдаланиш ва уларни ғоятда хавфсиз ишлата билиш алоҳида аҳамият касб этади.

Кейинги пайтларда истеъмолчиларнинг электр ускуналаридан жароҳатланиш даражаси ошиб бораётганлиги бизларда ташвиш уйғотмоқда. Биргина 1991 йилда электр билан боғлиқ 20 та ўлим ҳодисаси юз берди. Электр назорати идоралари бундай жудоликнинг сабабларини ўрганмоқдалар ва тегишли тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ҳозирда республикамиздаги деярли кўпгина корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва энергетиклари ўзларида назорат ишини ҳам сусайтириб юборганлар ва электр хавфсизлиги ишларига етарли аҳамият бермаётирлар. Натижада жойларда техника хавфсизлиги қоидаларига аниқ риоя этилмаслиги оқибатида бахтсиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Бу иллатнинг жуда кўп сабаблари бор. Масалан электр ускуналарига паст даражада хизмат кўрсатилади, электр техник ходимларининг малакаси етарли бўлмайди. Улар амалдаги оддий қоидаларни билмайдилар ва билсалар ҳам бунга риоя этмайдилар. Бундан ташқари истеъмолчилар электр ускуналарини ишлатишаётганида хавфсизлик ҳодисаларини унутиб қўядилар ёки мутлақо эътибор бермайдилар, шунингдек жойларда ишчилар, хизматчилар ва ўқувчилар ўртасида электр токи уруши нақадар хавфли эканлиги тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмайди.

Бир қатор вазирликлар ва йирик бошқармалар борки, уларга қарашли каттакатта йирик корхоналарда ҳам бундай кўнгилсиз ҳоллар кутилмаганда юз бериб туради. Ўзбекистон агросаноат тармоғи корхоналарида тўрт марта, химия ва нефтни қайта ишлаш корхоналарида икки марта бундай оғир воқеалар содир бўлди. Шунингдек енгил саноат, рангли металлар, махсус монтаж қурилиши, қурилиш, мелиорация ва сув хўжалиги вазирликлари, савдо уюшмаси, паррандачилик саноати бирлашмаси, Ўзбекбирлашув ташкилотларида ҳам бир неча мартадан жароҳатли ҳодисалар юз берди. Буларнинг 35 фоизи электр техникаси хавфсизлиги билан боғлиқдир. Бу жойларда техника хавфсизлиги қоидалари қўпол тарзда бузилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик вазирлигининг Қашқадарё вилояти моддий-техника корхонасида юз берган воқеа кишини ташвишга солади. Бу ерда электр токи асосий бўғиндан ўчириб қўйилмаган ҳолда таъмирлаш ишлари саводсизларча олиб борилган. Ток уришининг олдини олиш учун изоляцияловчи чоралар кўрилмаган. Бунинг учун биринчи навбатда корхона раҳбарларига айб қўйиш мумкин. Корхона маъмурияти электр хўжалиги учун масъул лавозимларни «тежамкорлик» қилиб қисқартирган. Натижада электр асбоб-ускуналари хўжасиз бўлиб қолиши оқибатида бу калтабинлик бир инсон ҳаётини совуриш билан тугаган.

Электр ускуналарида меҳнат қилаётган ва айни чоғда электр таъминотига жавобгар бўлмаган ишчи ва хизматчилар орасида ҳам бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Бу республика бўйича электр билан боғлиқ талофатларнинг 65 фоизини ташкил қилади. Бундай ҳолларда электрчилар асосан айбдор ҳисобланади. Улар техникадан фойдаланиш ва хавфсизлик қоидаларига риоя этмай, ускуналарнинг бир маромда расо ишлашини йўлга қўйиб бермайдилар, электр қуввати уриши нақадар оғир оқибатларга олиб бориши ҳақида ишчиларни огоҳлантирмайдилар. Ҳаттоки шикастланиб ётган одамга тез ёрдам етиб келгунга қадар дастлабки муолажа кўрсатишни билмайдилар. Одатда электр токи урган одамни дарҳол сунъий нафас олдириш ва юрганини уқалаш лозим.

Фарғона шаҳридаги «Слава» кооперативида силлиқлаш машинасига ток нотўғри уланган. Уста кўрмаган шогирд бу ишни ўз билганича норасо бажарган. Ускунани ишлатиш жараёнида изоляцияга эътибор бўлмаган ва ҳатто иш жойида техника хавфсизлигининг оддий ҳимоя воситалари ўрнатилмаган. Жароҳат кўрган одам бетон ерда ишлаб турган. Хонага сув сепилиши аҳволни мушкуллаштирган. Кооператив ходимлари электр техникаси қоидаларидан умуман мутлақо бехабар.

Электр техникаси ва унинг воситаларини тилсиз ёв дейдилар. Уларни менсимаслик, ускуналарга тўғри муомала қила билмаслик инсон ҳаётида жуда қимматга тушади. Тошкент вилоятининг Хонобод қишлоғидаги ветеринария аптекаси мудири узилиб ётган электр симини йиғиштириб қўймоқчи бўлган ва уни ўша тилсиз ёв ўз домига ўраган.

Ишлаб чиқаришда ҳам, турмушда ҳам электр жароҳатининг олдини олиш мақсадида корхоналар ва ташкилотлар маъмуриятлари Ўзбекистон Давлат электр назоратининг кўрсатмаларига ҳамиша тўлиқ риоя этишлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир корхонаси, қурилиш ташкилоти ва жамоа хўжалигида электр хўжалиги ишлари учун масъулиятли жавобгар электротехник ходим тайинланганлиги ҳақида буйруқ ёки фармойиш эълон қилинмоғи лозим. Бундан ташқари электр таъминоти билан боғлиқ барча ишлар умумий қоидалар асосида бажарилиши, электр ускуналари эса техника хавфсизлиги ҳимоя воситалари билан бадастур жиҳозланиши, жароҳатланган одамга дастлабки ёрдам бериш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш юзасидан ташкилий-оммавий ишлар тубдан кучайтирилиши ҳам шарт, ҳам фарздир.

А. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Давлат электр назорати бош муҳандиси.

• *МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ*

ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРИ БОР

● Йилига 180 миллион метр ип газлама

● 260 миллион дона ғалтак ип

● «Тўқимачи» фирма магазинига марҳамат

● «Узбекденим» — «Узбекистон-Италия» қўшма корхонаси.

«Тошкент тўқимачилик комбинати» ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси — республикамиздаги энг йирик тўқимачилик корхоналаридан. Унинг биринчи навбатига 1932-1934 йилларда ғишт қўйилган эди. 1935 йилда эса бу ерда дастлабки маҳсулотлар — калава ва дағал газламалар ишлаб чиқарила бошланди.

Тўқувчиларнинг қалб қўри, куз нуридан жило топган ранг-баранг ип-газлама, пойафзал ҳамда кийим-бош тикишда ишлатиладиган турли хил иплар маҳаллий савдо тармоқлари, тикув корхоналарига ҳамда республикамиздан ташқарига пешма-пеш юборилмоқда. Ҳозир бу ерда йилига 180 миллион метр газмол, 260 миллион дона ғалтак ип тайёрланмоқда. Яқин Шарқ мамлакатларига эса ҳар йили 3-10 миллион метргача тайёр газмоллар жўнатиляпти.

— Республикамиз мустақиллик йўлидан бораётган бугунги кунда тўқимачилик саноатини янада жадал суръатлар билан ривожлантириш зарур, — дейди бирлашма бош директори Ботир Қодирович Эргашев. — Чунки республикамиз — энг кўп пахта толаси етиштирадиган ўлка. Шу боисдан биз пахта толаси ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлайдиган корхоналар қуришимиз керак. Бу эса Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришувида асосий омиллардандир. Шу кунларда мавжуд корхоналарни қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Шу йилнинг биринчи кварталида 105 янги технология жиҳозлари фойдаланишга топширилди. Бу мақсадларга 9,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Пардозлаш фабрикасини таъмирлашга эса 55,9 миллион сўм ишлатилди.

Пардозлаш фабрикасига ўрнатилган «БАБКОД» фирмасининг пардозлаш асбобини ўзлаштириш учун йигирув-тўқув фабрикасида техникавий қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Маънавий эскирган ва яроқсиз бўлиб қолган асбобларни алмаштириш ишлари ҳам давом этмоқда. Бу эса кенг энли газмолларни ишлаб чиқариш имконини беради. СТБ шаклидаги тўқув дастгоҳлари ҳам ўрнатиляпти.

Ҳар йили газмоллар хили янгиланяпти. Янги хил газмоллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Кейинги икки-уч йил мобайнида деярли барча турдаги маҳсулотларни янгилашга эришилди.

3-тўқув ишлаб чиқаришида тикувчилик-трикотаж бўлими ташкил этилди. Бу ерда 85 рақамли ип тайёрланади. Улардан трикотаж буюмлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Ҳозир Чехословакиядан «МЕТЕКС» маркали трикотаж асбоб-ускунаси сотиб олинди. Бундан ташқари йилига 5 миллион метр ҳажмда жинси газмоли етказиб бериш қувватига эга бўлган «ЎЗБЕКДЕНИМ» — «Ўзбекистон — Италия» қўшма корхонаси ташкил этилмоқда. Унда турли хил кийим-бош тикиш мўлжалланяпти.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликлари тўқимачиларни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Собиқ Иттифоқдаги республикалараро хўжалик алоқалари бузилди. Шунинг учун жамоа таъминотчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш йўлидан боряпти. Фабрикаларни кимё маҳсулотлари, турли хил бўёқлар, крахмаллар билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келиняпти. Корхонанинг бир маромда ишлашини таъминлаш учун МДҲ республикаларидан металл, технология жиҳозлари, резинатехника буюмлари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа маҳсулотлар келтириш зарур. Улар ип газлама, ип ва бошқа маҳсулотларга муҳтож. Шу боисдан корхона маъмурияти юқоридаги маҳсулотларни



ҚАЕРДАСИЗ, МЕНИНГ МАДОННАМ?

Тақдирингиз не кечди, Ўзбек Соҳибжамоли, Гўзаллик Сарвари, яна не дейин. Дунёга жон ато қилувчи Она? Ҳаётга ташна гўдак, ўғилмидинг, қизмидинг?

Марҳум уста сураткаш Марк Пенсон бу расмни бундан 50-60 йил олдин тасвирга туширган. «Ўзбекистон овози»нинг «Осиё бозори» ижодий гуруҳи суратдаги аёл ва унинг бағрида тамшаниб ётган болажонини қидиради. Уларнинг турмушлари, кечмишлари ҳақида ҳикоя қилиш ниятимиз бор. Хат-хабарларингизни кутамиз.

Суратнинг аслидан В. ПАНОВ нусха олган.

«ОҲАНГАРОНШИФЕР» ИЖАРА КОРХОНАСИ

диаметри 200, 250, 300 миллиметр ва узунлиги 3 метр 95 сантиметр бўлган асбоцемент қувурларини аҳолига нақд пулга ва ташкилотларга пул ўтказиш ҳисобига

СОТАДИ

Асбоцемент қувурларидан сув таъминоти ва қурилиш ишларида кенг фойдаланиш мумкин!

Комплектлашган мосламалар ёрдамида қувурларни истаганча узайтириш мумкин.

Маҳсулотларни шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат саккиздан кеч соат ўн олтигача олиш мумкин.

Корхона манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри.

Маълумот учун телефонлар:

5-74-30, 5-77-98.

Ёқилғи мазути тақчиллиги ва унинг нархи тобора, кундан кунга ошиб бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИ ҚЎМИТАСИ БАРЧА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА

МАЗУТ

1992 йил 10 сентябрга қадар мавжуд ва ижарага олинган сиғимларни лимитлардан қатъий назар тезда тўлатишни ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўз иссиқлик хўжалигингизни қишга тайёрлашга шошилинг, кейин армонда қолманг!

Бу ҳақдаги буюртмаларни Ўзбекистон Республикаси Давлат нефть қўмитаси диспетчерлик бўлимига тақдим этишингизни сўраймиз.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри. Й. Охунбобоев кўчаси, 16-уй,

Телефонлар: 33-43-36, 32-28-71,

Темир йўл телефони: 42-30.

• *Жаҳон аҳамиятидаги воқеа арафасида*

АСР ПОЙГАСИ БУХОРОДАН ЎТАДИ

Куз фасли биринчи ойининг дастлабки куни Франция пойтахти Парижда бошланиб, 27 сентябрда эса Хитой пойтахтида маррасига етиб борадиган «Париж—Москва — Пекин» улкан маршрути бўйлаб 16000 километр масофада автомобиль пойгаси ўтказилади. Унинг натижаларини қайд этиш учун «Гиннес рекордлар китоби»да алоҳида саҳифалар ажратилди. Автомобиль саноати тараққий этган деярли барча мамлакатлардан ман-ман деган автопойгачилардан 600 дан ортиқ қатнашчини бирлаштирган бу мусобақа «Аср марафони» деган ном олди.

Автомобиль пойгаси қатнашчилари орасида «АвтоВАЗ» бирлашмаси уч мутахассиси бор. Улар двигатели ҳажми 1800 куб сантиметр бўлган ВАЗ—2121 автомашинасини бошқарадилар.

Пойгачилар 1 сентябрь куни Париждан старт олиб тўртинчи куни кечқурун Москвага кириб келадилар. Шундан кейин катта карвон Тамбов — Саратов — Уральск — Оқтўла — Янги Узень — Небитдоғ — Дарвоза — Бухоро — Чимкент — Бишкек шаҳарлари бўйлаб сафарни давом эттиради. 16 сентябрда Хитой чегарасидан ўтилади. Шундай қилиб пойгачилар Европада 3 минг километр, Россияда 8, Хитойда 5 минг километр йўл босадилар.

"Тошкент" биржасида ўтган икки ҳафта давомида бўлган олди-сотди нархлари

Т28 трактори	ҳар донаси	110 000 сўм
Понасимон камар Б-2000	ҳар донаси	63 сўм
Понасимон камар Б-2240	ҳар донаси	130 сўм
ВАЗ-21063 автомобили, 1992 й.	ҳар донаси	500 000 сўм
ТДМ-503-У2 саноат пайвандлаш транспортери	ҳар донаси	7 000 сўм
11206 шарчали подшипник	ҳар донаси	190 сўм
206 ва 7612 шарчали подшипник	ҳар донаси	250 сўм
Пластмасса буюмлар	ҳар тўпи	227 180 сўм
63х63 бурчакли темир	ҳар тоннаси	18 500 сўм
32х32х4 бурчакли темир	ҳар тоннаси	17 500 сўм
50х12ст.3 пўлат тасма	ҳар тоннаси	11 800 сўм
d 114х9 пўлат қувур	ҳар тоннаси	25 000 сўм
d 600х5 темирбетон кувур	ҳар донаси	3 400 сўм
d 57 сувгаз қувури	ҳар тоннаси	32 000 сўм
Швеллер №20	ҳар тоннаси	19 000 сўм
d 75 ст.35 пўлат ғўла	ҳар тоннаси	16 000 сўм
Суғориш ариқчаси (ўлчами 800 м) 6 метрлик	ҳар донаси	1 154 сўм
АПВГ-АВВГ 4х6 қувват кабели	ҳар км	19 526 сўм
Иссиқлиги ўзгартирилувчи маиший электрдазмол	ҳар донаси	530 сўм
Кўрпа-ёстиқ жилдлари	ҳар тўпи	435 сўм

МИЛЛИОНЕР БЎЛИШ ИМКОНИЯТИНГИЗ БОР

● Ўтган аср ўрталарида майдароқ идорада ҳисобчи бўлиб ишлаган 19 ёшли Жон Дэвисон Рокфеллер ўз дўконига эга бўлишга аҳд қилди. Ундан келгусида «керосин қироли» чиқишини ким ўйлабди дейсиз. Бунинг устига врачлар унинг ошқозон яраси бор, узоқ яшамайди деб башорат ҳам қилишган эди. Бироқ Жон тушкунликка тушмади: фойдаси билан қайтариш шартига кўра отасидан 1000 доллар қарз олди. Кичкина воситачи дўкон очиб ишга киришди. Ишлаб топган ҳамма пулини нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлашга сарф этди. Касаллигини эса қаттиқ парҳез билан енгди. Мулти-миллионер Ж. Рокфеллер 98 йил умр кўрди, унга қараган 37 шахсий табибдан ҳам кўп яшади.

● «Пўлат баронлар» сулосининг тамал тошини қўйганлардан бири Арндт Крупп XVI аср охирида ўз омадини вабо қамраган немис шаҳри Эссенда синади. Ўн минглаб кишининг ёстиғини қуритган офат шаҳар атрофидаги ерларнинг нархини тушириб юборди. Ўлим хавфига қарамай Арндт бошқа жойга қочиб кетмади. Пешонамдагини кўраманда дедию, энг яхши боғ ва яйловларни арзон-гаров сотиб ола бошлади.

Вабо ўтиб кетди, ерлар эса қолди. Мана шу сармоя Арндт ва унинг ўғлига пўлат қуюв тармоғига асос солиш имконини берди.

ЯНГИБОЗОР ҲАНГОМАЛАРИ

Янгибозорлик икки тожир учрашиб қолибди.

— Салом, қандай молинг бор?

— Салом! Шакар оласанми?

— Оладиган бизде! Қанча, неча сўм? Ё кўкидан гаплашамизми?

— Бир вагон. Биз патриот, кўкидан гапирма! Бир миллион сўм.

— Қўлни бер! Келишдик! Эртага шу ерда учрашамиз.

Иккиси икки томонга кетишди: бири айтган моли — шакарни, иккинчиси — 1 миллион сўм топгани...

* * *

Янгибозорлик икки тожир учрашиб қолибди. Бири ҳўппа семиз, иккинчиси рамақижон эмиш. Семизи сўрабди:

— Жуда кўринишинг ҳаробку, қаерлардан сўраймиз?

— Топар-тутар жойида солиқ бошқармасидан келяпман...

— Ҳа...

— Ўзинг нима иш қилаяпсан?

— Қўшма корхона очдим. Чили билан. Қовун етказиб беряпман. Эвазига вазнига тенг вазн селитра оляпман. Бартер дейди буни.

— Чилида қовун йўқ эканми, корхонани бизда қуради?

— Бизнинг қовунларнинг хосияти зўр. Бир килосидан ўн беш кило селитра олса бўлади.

— Унда ҳақиқатан зўр экан ишларинг... Чилидан олган селитрани нима қиляпсан, сотяпсанми?

— Йўқ айтяпманку, қовун экяпман.

Тўпловчи С. ШУХИЙ.

• *Биз билмаган тарих*

НАҲОТКИ, АЛҲАЗАР!

Октябрь инқилоби. XX асрнинг қонталаш тонги. Етмиш йилдан бери бизга бу воқеани ғоялар жунбуши дея уқтириб келишди. Лекин яқинда ошкор бўлган ҳужжатлар бунинг афсона эканлигини, инқилоб арафасида, 1917 йил Октябрь инқилоби пайтида ва ундан сўнг Ленинни Олмониянинг Койзер ҳукумати пул билан таъминлаб турганлигидан гувоҳлик беради.

Австралиялик адиба Элизабет Хереш ёзади «АиФ» ҳафталиги, Бонндаги Олмония Ташқи ишлар вазирлигининг асл нусха ҳужжатлари билан танишишга муваффақ бўлди.

Телеграмма: «Бош штаб, 1917 йил 21 апрель... Ташқи ишлар вазирлигига. Бош қўмондонлик қароргоҳи Берлин бош штаби сиёсий бўлимидан қуйидаги хабарни етказди: 1917 йил 17 апрелда Стокгольмдан Штайнвахс телеграфнома узатди: Ленинниинг Россияга киришига муваффақ бўлинди. У тўла-тўкис бизнинг ҳоҳишимизча ишламоқда... Немис ҳукумати Ленинниинг ишидан мамнун».

Берлин, 1/4, 1917. Шошилинч! Махфий!

«Низомга мувофиқ, 5-бўлиб, 6-хатбоши, Ташқи ишлар вазирлиги Россияда сиёсий тарғибот учун 5 миллион марка ажратиш даркор. Мумкин қадар тез бажарилса миннатдор бўлур эдим. Давлат котиби».

«Берлин, 1917 йил 9 ноябрь. Бугунок!».

...Бош вазир Шрёдер билан келишувга мувофиқ Ташқи ишлар вазирлиги Россияда сиёсий тарғибот учун 10 миллион марка пул ажратсин... Давлат котиби».

Немисларнинг Москвадаги элчиси граф Мирбахнинг 1918 йил 18 майдаги телеграммаси: Ленин режимини ичкаридан — қонли тоталитар ҳукмронлик, хориждан — мўътадил социал-инқилобий кучлар қўллаб-қувватлаши лозим. Давомида яна кўрсатма берилади: Ленинни ҳокимиятда қувватлаш учун шошилинч пул керак. Ва ҳоказо.

Инқилобни Германия молия банки маблағи билан таъминлаганлиги тўғрисида ҳозир 400 га яқин ҳужжат маълум. Бу ҳаммаси эмас, ҳали яна кўпи топилиши мумкин. Пул миқдори 1 миллионга яқинлашади. Сталининг даврида анча бойиган Россиядек мамлакатни хонавайрон қилиш айёр Кайзер ҳукумати томонидан бошланган эмасмикан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРМОҚЛАРАРО ҲИСОБ-КИТОБ, ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ

Тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш мутахассисликлари бўйича 1992-1993 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

1. МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ:

— Бухгалтерия ҳисоб-китоби (халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ишлаш учун);
— Аудитор-тақсилчи;
— Ревизор-бухгалтер;
— Молия — бухгалтери, эксперт;
— Чет тиллари (инглиз , немис, француз, турк).

2. МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ:

— Бухгалтерия ҳисоби;
— Статистика;
— Чет давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар;
— Божхона иш услубларини амалга ошириш ва ташкил қилиш;
— ППЭҲМни эксплуатация қилиш ва иқтисодий масалаларни ҳал этишда уларни қўллаш.

3. ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ:

— Бухгалтерия ҳисоби, хўжалик ишлари фаолияти таҳлили, ревизия ва назорат (бухгалтер-иқтисодчи ихтисоси берилади).

Ташқи иқтисодий ва тижорат алоқалари (ташқи иқтисодий алоқалар бўйича иқтисодчи ихтисоси берилади);

— Менежер (иқтисодчи-ишлаб чиқариш ташкилотчиси ихтисоси берилади.

— Маркетинг (ишлаб чиқариш ва таъминот бўйича иқтисодчи ихтисоси берилади);

— Статистика (иқтисодчи-статист ихтисоси берилади).

Ўқиш муддати: мутахассисларни тайёрлаш — 3-6 ой, малака ошириш — 1-1,5 ой, мутахассисларни қайта тайёрлаш — 16 ойгача (кўп маротаба ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда).

Ҳужжатлар соат 9.00 дан — 16.00гача шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси — 42. (Черкасск кўчаси томонидан). ҳисоб — рақами 000609958 Тошкент шаҳар саноат-қурилиш банкининг Юнусобод бўлими. МФО 172682304.

Маълумот учун телефонлар: 68-54-52, 67-24-62, 67-19-03, 67-19-13. (Тошкент метросининг «Пушкин майдони» бекати, ёки 24, 17, 101-автобусларда ва 9, 17, 18-троллейбусларда «Госкомстат» бекатигача борилади).

«ТУРКИСТОН – 1» КИЧИК КОРХОНАСИ

ХИТОЙ РЕСПУБЛИКАСИГА ТУРИСТИК САЁҲАТ УЮШТИРАДИ

Саёҳат нархи ташкилотлар уюштирган сафарлардан арзон ва қулай.


Саёҳатчилар Хитойнинг Урумчи, Қашқар ва бошқа шаҳарларида бўлиб, бу буюк халқнинг маданияти, иқтисодиёти, тижорати билан танишадилар.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700032, Тошкент шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, 2-а уй, «Туркистон-І» кичик корхонаси. (Метронинг «М. Горький» бекатидан 17-троллейбуснинг охиригача борилади. Кичик корхона 4-қурилиш трестининг эски биносида 3-қаватда жойлашган).

Телефонлар: 24-96-92, 62-13-62.

ФАКС: 44-26-03.

«Осиё бозори» материалларини тайёрлашда иштирок этганлар: А. АБДУБАННОПОВ (масъул), В. ЕРГЕШБОЕВ («Тошкент» биржасининг ижро чи директори), А. ПУЛАТОВ, Р. АҲМАДАЛИЕВ, Д. ТОИРОВА, С. СОДИҚОВ, В. МАТИСАЕВ («БВВ»). Навбатчи гуруҳ: Т. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир муовини), Ҳ. НОСИРОВ (катта навбатчи), Д. ҚИРҒИЗБОЕВ (масъул котиб муовини), мусаҳҳиҳлар: Н. АЗИМОВА, Н. АБДУРАҲМОНОВ, Р. ШОДИЕВ, Н. МИРЗАҚУЛОВ, безакчи Т. БАТАНИНА, катта машинкачилар: М. ОБИДОВА, Ф. НИЗОМОВА, саҳифаловчилар: А. ОБИДОВ, Қ. ҚАЮМОВ.



Кишнаганда гумбурлар тоғлар дарраси...

Содиқ МАҲКАМОВ сурат- лавҳаси.

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ— ОЛТИНДАН ҚИММАТ

Фарғоналиклар ҳар доим сирдарёликлар билан мусобақадош бўлиб келган эдилар. Бу йил эса хоразмликлар билан ҳам беллашишга аҳд қилишди. Хоразмлик деҳқонлар Бешариқ, Учкўприк, Фурқат, Боғдод ва бошқа қатор районлар хўжаликларида, ишбилармон фермерлар далаларида бўлдилар. Аксарият хўжаликларда бу йил баҳор ва ёз ноқулай келган бўлсада пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириляпти.

Мусобақадошлар фарғоналик деҳқонларнинг маҳоратига, билим ва тажрибасига тан бердилар. Шу билан бирга айрим тузатилиши лозим бўлган камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Масалан, Тошлоқ районидаги «Коммуна» жамоа хўжалигининг П. Каримов бошчилик қилаётган бригадасида барча пайкалларда ғўза бир текис эмас. Уларга маҳаллий ўғит ва сувни бир текисда бериб бориш керак. Учкўприк районида ғўза парвариши жадал кетяпти. Майдонларда кўчатлар бут. Бироқ, табиат инжиқликлари туфайли экинлар ривожида 15 кунга кечикиш бор. Хоразмлик меҳмонлар Учкўприк деҳқонларига ғўза парваришини камида 10 сентябрга қадар давом эттиришни маслаҳат беришди.

Вилоят марказида хоразмлик мусобақадош дўстларнинг ўзаро текширувлари якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Фарғона вилоятида 3,5—4 минг гектар ердаги пахта майдонларида чеканкани тезлатиш даркорлиги, пахтани машинабоп қилиб ўстириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

●

Фарғона вилояти ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Ўзаро текшириш бригадаси дастлабки кунининг ўзидаёқ группаларга бўлиниб, вилоят районларига жўнаб кетишди. Меҳмонлар бу ерда икки кун бўлиб, вилоят хўжаликлари далалари ва фермаларида зиммага олинган мажбуриятларнинг бажарилишини текширдилар, бозор иқтисодиёти жараёнида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Экинлар парвариши кандай боришини кўздан кечирдилар. Шунингдек, маданий-маиший жабҳаларда амалга оширилаётган тадбирларнинг аҳволи билан танишдилар.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

●

Пойтахт вилояти қишлоқ меҳнаткашларининг вакиллари Қашқадарё воҳасига ташриф буюришди.

— Биз Қашқадарё вилояти билан бежиз беллашмаяпмиз, — дейди Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиев. — Бу икки вилоятнинг республика иқтисодиётида ўз ўрни бор. Бир сўз билан айтганда, катта улуш қўшади. Қолаверса, деҳқончилик соҳасида бир-биримиздан ўргансак арзийдиган ишлар бор.

Бу йил қўриқ Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари давлатга 2240 тонна ўрнига 2600 тоннага яқин пилла сотдилар. Колхоз ва совхозларда бошоқли экинлардан мўл ҳосил етиштирилди. Режадаги 220 минг тонна ўрнига ҳозиргача 400 минг тонна дон жамғарилди. Давлатга сотилган ғалла 140 минг тоннадан ошиб кетди. Айни пайтда мева, сабзавот, маҳсулотлари ҳам мўл. Пахта пайкалларида 460 минг тонналик Қашқадарё «оқ олтин» хирмони учун кураш қизғин.

Мусобақадошлар Қарши районига ташриф буюришди. Бу йил 9 минг гектар ердан 18 минг тонна дон ўрибйиғиб олган район ғаллакорларининг жасоратли меҳнатлари меҳмонларни шод этди. Район давлатга 1,5 минг тонна ўрнига 8 минг тоннадан зиёд дон сотди. Кўпгина колхоз ва совхозлар гектарига 24 центнердан хирмон кўтардилар. Мусобақадошлар вакиллари «Ленинизм», «Қовчин», «Москва», Собир Раҳимов номли совхозларда бўлганларида пахтадан мўл ҳосил етиштириш соҳасида олиб борилаётган ибратли ишларни кўрдилар.

Шу куни мусобақадошлар Косон, Ульянов, Нишон, Баҳористон, Усмон Юсупов, Ғузор, Қамаши, Шаҳрисабз, Чироқчи районларида ҳам деҳқончилик ва чорвачилик соҳасидаги ишларнинг аҳволини кўздан кечирдилар. Мавжуд нуқсонларни бартараф этиш юзасидан ўзларининг қимматли маслаҳатларини бердилар.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОРОЛ АСРАБ ҚОЛИНАДИМИ?

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Д. ШАМШЕТОВ билан суҳбатимиз Орол денгизини асраб қолишга бағишлаб 27-28 август кунлари Нукус шаҳрида ўтадиган жаҳон илмий-амалий конференцияси, унинг мақсадлари, мавзуе ҳақида бўлди.

— Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг шу йил бўлиб ўтган сессиясида депутатларимиз қўшни беш республика президентларига мурожаатнома қабул қилгандилар. Унда Орол бўйлари экологик фожиа зонаси деб эълон қилинган эди. Бу ҳақдаги Низомни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясидан сўралди. Жамоатчилик, депутатларимиз фаол иш олиб боришлари ва Президентимиз И. Каримовнинг бу масалага чуқур эътибор берганлиги натижасида илмий-амалий конференция ўтказиладиган бўлди. Унга фақат Ўрта Осиё республикалари, Россия ва Қозоғистондангина эмас, балки жаҳондаги турли мамлакатлардан 120 га яқин олимлар, сув хўжалиги мутахассислари, ишбилармонлар таклиф қилинмоқда. Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти М. Салоҳиддинов-нинг маърузаси билан бошлаш режалаштирилган.

Бу йиғилишни яқин йилларда Орол фожиасидан қутилишнинг йўлларини топиш мақсадида ўтказмоқчимиз. Ҳозирги пайтда Орол муаммоларини ҳал этишда бир қанча илмий-эксперементал лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга экология марказида яшаётган Қорақалпоғистон аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш хусусида ҳам фикр юритилади. Кейинги йилларда Амударё сувининг ифлосланиши, деҳқончилик қилинадиган ерларнинг кўпайиши, чиқиндиларнинг дарёга қайта қуйилиши оқибатида ҳар хил касалликлар кўпайиб бормоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида Амударёнинг ўнг ва сўл қирғоқларида коллекторлар қуриб, зах сувларни, ҳар хил чиқиндиларни Орол денгизига қуйдиришни назарда тутиб, дойиҳалаш, маблағ билан таъминлаш ишлари бошланган эди. СССРнинг парчаланиб кетганлиги туфайли бу ишлар тўхтаб қолди. Эндиликда ҳар бир республика зах сувларни Амударёга эмас, бошқа йўлларни топиб оқизишнинг усулларини ишлаб чиқишлари керак.

Орол ва унинг дельтасини доимий сақлаб туриш учун камида 30-35 куб километр сув бериб турилиши шарт қилиб қўйилмоғи зарур. Биз шундагина Оролнинг қуриб, йўқ бўлиб кетиши олдини олган бўламиз.

Суҳбатдош
Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ВОҚЕА АРАФАСИДА

«МУСТАҚИЛЛИК—МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА




● ТАРОНА.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

● ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

«ШУ БОЛАЛАРГА КЎЗ ТЕГМАСИН»



Ҳабиб ака («Ота» романи ва «Ёшликда берган кўнгил» сингари одам иқи суйиб ўқийдиган асарларнинг муаллифи бўлган ўша Ҳабиб Нуъмон) 50 ёшга тўлганида хонадонида дастурхон ёзган эди. Жамоат жам: деҳқон тилини обдон биладиган Маъруф Назаров, шоир ва публицист Ҳамид Нурий, ҳарбий мавзунинг «пири» бўлиб кетган Самад Қодиров, қишлоқ ҳаётининг латофатини кўрсатиб бераётган Самар Нуров шу ерда, хуллас, санай берсак рўйхат чўзилиб кетар. Ўша кезларда, яъни 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошида «Қизил Ўзбекистон», ҳозирги «Ўзбекистон овози» гуллаган давр бўлган. Назоратнинг таққирликларига, «Уни ёзу, буни ёзма» деган кўрсатмаларига қарамай, газета халқ орасида машҳур, бир миллионга етар-етмас нусхада нашр этиларди. Шу рақамнинг ўзи ҳам ҳозирги пайтда ўқувчини ҳайратга солса керак, чунки эндиликда тиражлар «тушиб» кетди. Лекин у кезлар, масалан, Расул Раҳмоновнинг «Оқпадар философ» деган мақоласига ўн минг, Эътибор Охуновнинг «Ниҳолларда нима гуноҳ?» сарлавҳали публицистик асарига бундан ҳам кўпроқ хат олинган эди. Шу кичкина фактнинг ўзи ҳам ўқувчи — журналист алоқаси нечоғли мустаҳкам бўлганидан далолат бериб турипти.

Озгина чалғиб кетдик чамаси, яна Ҳабиб ака уйидаги даврага қайтсак... домла 20—30 минут чамаси кўринмай қолиб, бир вақт хонага ҳокандозда исириқ тутатиб кириб қолди.

— Атайлаб Киров боғига кираверишдаги қабобпаз кўридан тутатиб келдим. Ишқилиб, шу болаларга кўз тегмасинда, — деди Ҳабиб ака меҳмонларга меҳр билан тикиларкан...

Ўша даврда биз, ёшлар Ҳайдарали аканинг ёнида ўтирар эдик. У киши комсомол комитетининг котиби эдида. Камсуқум, камтар, меҳнаткаш, қалами бор йигит, деб қўйди Ҳабиб ака гап орасида бизнинг секретаримиз ҳақида.

Мана, орадан қарийб 30 йил ўтибди. Ҳайдарали аканинг сочига бир-иккита оқ оралаган бўлса ҳам, устоз айтган ўша таърифни яна қайтарсак бўлади. Қўшимча шуки, энди у эл-юртга танилди. Ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Газета саҳифаларида давлат аппаратининг ишини такомиллаштиришга қаратилган анчагина мақолалар ёзди. Ҳаммамиз учун қадрдон бўлган редакция дардига малҳам топди. Оз ёзса ҳам соз ёзди. Лекин ўша мақолалар газетхоннинг ёдида қолгани аниқ.

Биз бугун Ҳайдарали аканинг яна бир фазилати — ташкилотчилигини айтиб ўтишимиз керак. У «Тошкент оқшоми» газетаси «дарвозаси»ни очганлардан бири. Ёши кексароқ газетхонлар билишар, 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошида «Тошкент оқшоми» энг севимли газеталардан эди. Янги мавзулар, «теша тегмаган» мақолалар, янги авторлар... буларнинг ўзи бўлмайди, буларнинг замирида газета бешигини тебратган одамларнинг меҳнати бор...

Мана, 8—10 йилдан бери Ҳ. Иброҳимов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида ишламоқда. Таржима билан машғул. Рус тилидан ўзбек тилига ўгириш бобидаги ишлар ҳозир бир қадар камайган бўлса ҳам, лекин ўтган йилларни бир эслаб кўрайлик. Партия съездлари, пленумларининг ҳужжатлари, Л. И. Брежнев ва М. С. Горбачев маърузалари ва нутқлари... Шуларни тез, аниқ таржима қилиш зарур бўларди. Ҳозир баъзи бир ёшлар ҳа, энди у даврлар ўтди-кетдида, гапиришга арзирмикан, дейишлари мумкин. Ҳа, арзийди. Чунки, бу ҳужжатларда ўша даврнинг энг муҳим сиёсий-иқтисодий ва маънавий масалалари кўтарилган эди. Бу матнларни катта олимлар, академиклар ёзишарди. Текстлар ниҳоятда мураккаб эди. Буларни таржима қилиш учун сиёсатчи, файласуф, экономист бўлиш лозим эди. Иккала тилни мукаммал билиш лозимлиги ҳақида гапирмай ҳам қўя қолайлик, бу ўзўзидан равшан. Русча матндаги тил бойлиги ва равонликни ўзбекчага ағдаришнинг ўзи бўлмайди. Ағдарганда ҳам бир-бирига тоғ тизмаларидек улашиб кетган жумлаларни ўзбек тилининг табиатига мослаб таржима қилиш лозим бўларди. Ҳайдарали ака ва унинг ҳамкасблари бунинг уддасидан чиқишди ва мен аминманки, ҳозир таржима соҳасига кириб келаётган ёшлар ушбу текстларни қўлланма сифатида ўрганурлар.

Бугун Ҳайдарали ака 60 ёшга кирди. У, эҳтимол, ана шу ёшга кириб нима орттирдим, деб ўйлаб қолар. Бу саволга мен, у киши ҳар кимнинг ҳам қўли етавермайдиган касб орттирди. Ўз ишининг устаси бўлди, бола чақаларини вояга етказди, деб жавоб берган бўлур эдим. У орттирган ҳашам, давлат кетидан қувгани йўқ. Тўғри, нашриёт берган уйи, ҳалол пулига сотиб олган машинаси бор. Бунга у дўстлари, қариндош-уруғларининг меҳр гавҳарини орттирган, деб қўшиб қўйишимиз лозимки, дунёда бундан ортиқ давлат бўлмаса керак.

А. АБДУҚОДИРОВ.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

Ҳурматли редакция! Куни кеча газетада чоп этилган республика фуқаролиги тўғрисидаги Қонун ҳақидаги давра суҳбати сўнгида Қонуннинг айрим жиҳатлари ҳақида қўшимча маълумот олиш мумкинлиги ҳақида айтилган. Шу муносабат билан қуйидаги икки саволга жавоб беришингизни сўрайман.

Қонунда чет эл гражданларига бошпана бериш ва икки ҳамда ундан ортиқ фуқаролик кўзда тутилганми?

Б. АҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳри.

Бу саволларга Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг мукофотлар, фуқаролик ва авф масалалари бўйича бош консультанти Нурмат АҲМОНОВ жавоб беради.

1. Бошпана бериш ҳуқуқи 1977 йилги СССР Конституциясида кўзда тутилган бўлиб, у ўша даврда қабул қилинган амалдаги Ўзбекистон Конституциясида ҳам Қонун бу ҳолни кўзда тутмаган.

2. Қонунга кўра республикамиз фуқаросининг чет давлат фуқаролиги тан олинмайди. Қонун истисно тариқасида чет элда яшовчи, мавжуд тузум тақозоси билан юртимиздан чиқиб кетишга мажбур бўлган ватандошлар учун, уларнинг ота-оналари, бува-бувилари Ўзбекистонда яшаган бўлсалар, уларнинг илтимосига биноан, Президент қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши кўзда тутилган.

СПОРТ

«ОСИЁ» СОВРИНИ УЧУН КУРАШ

● ЭРТАГА «Пахтакор» марказий ўйингоҳида «Осиё» совринн учун навбатдаги учрашув ўтказилади.

Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларининг футбол бўйича миллий терма жамоалари ўртасида «Осиё» совриии учун ўтказилаётган мусобақалар мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозир Қозоғистон футболчилари тўртта очко билан олдинда боришмоқда. Республикамиз терма жамоаси ҳисобида учта очко бор. Футболчиларимиз навбатдаги учрашувни эртага Қирғизистон терма жамоаси билан ўтказишади. Қардошларимиз бунгача бironта ҳам учрашувда қатнашмаган эдилар. Ўзбекистон футболчиларининг устози Рустам Акромов 17 нафар ўйинчини мазкур учрашувга ҳозирламоқда. Улар орасида Б. Алланиёзов, Р. Аҳмадхонов, М. Отажонов, М. Билолов, У. Рўзимов, Ф. Мухамедов, Р. Бозоров, Н. Хасанов, Р. Абдуллаев, А. Абдураимов, Ш. Мақсудов каби қобилиятли футболчилар бор.

БИР ПОҒОНА КЎТАРИЛИШДИ

● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоаларининг Ўзбекистон миллий чемпионатида XXII тур ўйинлари икки кун давом этди.

Биринчи кун учрашувларида пешқадам жамоалар мавқеларини мустаҳкамлаб олишган эди. Чунончи пахтакорчилар 32 очко билан олдинда боришмоқда. «Нефтчи» ҳисобида 31 очко бор. «Сўғдиёна» ҳамда «Нурафшон» футболчилари 28 тадан очко тўплашди. Иккинчи кун ўйинларида эса бир йўла уч жамоа мавқеини яхшилаб олди. Жумладан «Пахтакор-79»— «Янгиер» (2:0), «Трактор» — «Навбаҳор» (2:1), «Чирчиқ» — «Наврўз» (3:2) учрашувларидан кейин ғолиб жамоалар 18 тадан очко билан бир поғона юқорига кўтарилишди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

Оржоникидзе (ҳозирги Қибрай) районининг Чинобод қишлоқ совети томонидан Кушкарова Захира Еркиновна номига 1989 йил 9 октябрда берилган XIII-ЮС 524507 рақамли йўқолган паспорт

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Юнусобод район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатининг 22-ГЖ № 101410 номерли Давлат квитанцияси йўқолганлиги туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БИРИНЧИ МАРТА! ПОЁНСИЗ СТЕРЕО РОҲАТ!

ЯНГИ SONY СТЕРЕО ПЛЮС ТИЗИМИ УЛЬТРАҚИСҚА ТЎЛҚИНЛАР ДОИРАСИНИ ФАҚАТ SONYГАГИНА ХОС БЎЛГАН СТЕРЕОЖАРАНГДОРЛИК СИФАТИ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРАДИ



- SONY СТЕРЕО ПЛЮС сизнинг севимли радиостанцияларингизни ультрақисқа тўлқинларнинг қуйи (65–74 МГц) ва юқори (87,5–108 МГц) доираларида стерео шароитларида қабул килиш имконини беради.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС овознинг тиниқ жаранглаши, замонавий жиҳозланиш ва бошқарувнинг енгиллигини ўзида мужассамлаштиради.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС – бу миди- ва мини- HI–FI тизимлари ва стереомагнитола демакдир.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС сизнинг севимли асарларингиз ёзилган юксак сифатли стереофонотекани яратишдек ноёб имкониятни тақдим этади.
- СТЕРЕО ПЛЮС – БУ SONYНИНГ ЯНГИ КАЛОМИ. Унга қулоқ тутинг. Унинг садоси беқиёс!

Сиз 1992 йилнинг 15 июлидан 31 августигача SONYнинг расмий сотувчиларидан сотиб олинган ҳар бир СТЕРЕО ПЛЮС тизими учун:

- ▷ битта SONY аудиокассетасини
- ▷ битта SONY компактдискини мукофотга оласиз.

STEREO PLUS

SONY МУҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ҚУЙИДАГИ ВАЛЮТА ДЎКОНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ: ТОШКЕНТ – "SONY" дўкони; САМАРҚАНД – Регистон кўчаси, "SONY" дўкони.

SONY

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ Академияси раёсати вице-президент Р. А. Мўминовга онаси

Мохинур ШОМУЗОФАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Халқ Академияси раёсати раёсат аъзоси

Ҳуснутдин АСОМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети жамоаси немис тили кулliётининг декани

Маҳмуд Аъзамович АЪЗАМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академияси Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика илмгоҳи жамоаси етакчи илмий ходим М. Мансуровга онаси

Майминхон САМСАКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлари ҳуқуқларини ҳимоя ва муҳофаза қилиш уюшмасининг Тошкент шаҳар ва вилоят бирлашмаси жамоаси бирлашма раиси Ҳ. Х. Яҳъёевга куёви, тиббиёт фанлари номзоди, доцент, 2-респуб лика нейрохирургия касалхонасининг бош врачи

Жамшид Мўминович УРИНОВнинг

фожиали вафот этганлиги муносабати чуқур таъзия изҳор қилади.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

24-30 август

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 24. VIII

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Вася исмли овчи мушук ҳақида». Мультфильм.
18.20 «Соғлиқ-саломатлик». Гепатит ва унинг олдини олиш.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Юнус Ражабий». «Ўзбектелефильм» премьераси.
19.50 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Экран таништиради». Кинокўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Жиззах вилояти.
21.40 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Номлар — маънавият белгиси».
20.40 «Билиб қўйган яхши».
20.55 «Миришкорлар».
21.25 «Лаҳза». Хабарлар.
21.35 «Сени ҳеч қачон унутмайман». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 8.00, 13.05, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.05 «Хазина». Мультфильм.
8.15 «Чап оёққа ўн еттита этик». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Бир».
9.25 «Жонли лой». Мультфильм.
9.35 Кўҳна сахий эртаклар. «Эртаклар базми». Бадиий фильм.
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Ҳордиқ чиқаринг».
14.40 «Бир куни декабрда». Бадиий фильм.
15.50 «Данило ва Ненила». Мультфильм.
16.15 «Моторлар оламида» (Автосалон-92).
16.35 «Шам ёниб тураркан...».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Футбол шарҳи.
17.55 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатув.
18.15 «НЭП».
18.45 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатувлари. «Очиқ ҳавода сувбат». 2-қисм — «Б. Васильев».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Спорт уник-энди».
20.40 «Чап оёққа ўн еттита этик». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия — «Оила».
21.45 «Ялта-92» эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари VII телевизион танловининг ёпилиши. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Оқ қарға».
8.35 Ишдан бўш пайтингизда. «Қўлни бер, дўстим».
8.50 Уз ишининг усталари. «Актёр Михаил Чехов».
9.45 «Афродита ороли». 3-қисм.
10.30 «Сизни Виктор Светлов таклиф этади». Рус қўшиқлари ва романслари.
11.15 Кундузги сеанс. «Моррисвиль қасрининг шарпаси». Бадиий фильм.
12.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.00 «Сигнал».
15.15 Мульти-пульти. «Ғаройиб капалак», «Қанотлар, оёқлар ва думлар».
15.30 Болалар соати (француз тили дарси билан).
16.30 Қайрилиб боқ, Россия. «Ўлка, сен биласанми?..».
16.45 Янгиликлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.45 Хабарлар.
18.00 «Омад».
18.30 Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Қўшиқлар китоби».
20.05 «Ҳожи Орифбей».
21.00 Хабарлар.
21.20 «Сокинлик оламига саёҳат». Ҳужжатли фильм.
21.45 Концерт.
22.30 Экранда Туркия киноси.

Сешанба, 25. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Сенга бир армон бўлай». Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг якка хони Озода Мадраҳимова куйлайди.
8.00 «Сўҳ дарёси бўйлаб». Телефильм.
8.15 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
9.55 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Жиззах вилояти.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тўқ қизил ранг уч мовий кўл». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележаридa».
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Бухоро қоракўли». Телефильм.
19.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Ўзбекистон куйлагай». Ёш хонандаларнинг телевизион кўрик-танлови. Навоий вилояти.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 Бир актёр театри. Ҳалима Худойбердиева. «Аёл қалби».
22.20 «Ой бориб, омон қайт». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам».
19.30 «Мусиқий меҳмонхона».
20.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Тошкентнинг Бош майдони». (Мустақиллик майдони тарихидан).
20.30 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳнафаларида.
21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 8.00, 14.20, 17.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.05 «Сахро кемаси». Мультфильм.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 Флёновода фольклор байрами.
9.35 «Тарихнинг муҳим босқичлари» рукни остида «Олтин тепа». Телефильм.
9.50 «Чап оёққа ўн еттита этик». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия — «Оила».
11.20 Кўҳна сахий эртаклар. «Золушка учун уч ёнғоқ». Бадиий фильм.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Нафақат спорт ҳақида».
14.45 «Ойнинг орқа томонида». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Ўзбекфильм»).
15.50 «Дубравушка» болалар фольклор ансамблининг чиқиши.
16.00 «Хазиналар ороли». Болалар учун уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «Кечки альбом». Д. Веневитинов.
17.45 «Сиёсат» студияси намойиш этади. «Исёндан кейинги бир йил (Уезд воқеаси)». Ҳужжатли фильм.
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Чап оёққа ўн еттита этик». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия — «Она».
21.25 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатув.
21.45 «Янги студия» таништиради: «Джем сейшн».
23.00 Янгиликлар.
23.40 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради. Футбол. Ўртоқлик учрашуви. «Динамо» (Москва)—«Динамо» (Киев). 2-тайм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ белгиси билан».
8.05 Ифодалаш санъати. «Сергей Шаров билан Сокольникидаги оқшом».
8.35 «Ҳали англанмаган конот».
9.20 Мульти-пульти. «Момақалдироқ худоси».
9.30 «Рус балетининг умиди». Пермь хореография билим юрти талабаларининг концерти.
10.15 Кундузги сеанс. «Қонундаги ўғрилар». Бадиий фильм.
11.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.55 Телебиржа.
15.25 Мульти-пульти». «Ямагири-Мару бандилари».
15.55 «Рост» студияси. «Балатондаги байрам».
16.40 Янгиликлар.
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Серташвиш оила».
18.30 «Бир томчи сув учун». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Қўшиқлар китоби».
20.05 «Ҳожи Орифбей».
21.00 Хабарлар.
21.20 «Сокинлик оламига саёҳат». Ҳужжатли фильм.
21.45 Концерт.
22.30 Экранда Туркия киноси.

Чоршанба, 26. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Халқ куйларини қалбингда асра». Телефильм.
7.55 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
9.30 «Сенинг тақдиринг». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Билмасвой — шоир». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Тижорат хабарлари.
19.25 «Мулоҳаза». Ўзбек кўшиқчилиги ҳақида.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Қорақалпоғистон Республикаси.
21.40 Долзарб мавзу.
21.55 Телевизион новеллалар театри. Саид Аҳмад. «Ҳаёт сабоқлари».
22.45 «Орзулар оғушида». Бадиий фильм.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Шаҳар ҳокимияти фаолиятидан».
20.10 «Ишбилармонлар».
20.50 «Мусиқий дақиқалар».
21.00 «Суперспорт». Регби.
21.45 «Учиш даври». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 8.00, 13.05, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.05 Мультфильмлар.
8.25 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.55 «Чап оёққа ўн еттита этик». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Она».
11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўҳна сахий эртаклар. «Эшак териси». Бадиий фильм.
12.45 «Мушукнинг уйи». Мультфильм.

* * *

13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Бу бўлган, бўлганди...».
14.45 «Алдар Кўса қандай қилиб шерни лақиллатди!». Мультфильм.
14.55 «Ойнинг орқа томонида». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.55 «Хазиналар ороли». Болалар учун уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Узбекистоннинг куй ва оҳанглари» кўрсатувини таништиради.
17.50 «Тулпор учун ярим бойлик». Ҳужжатли фильм.
18.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.55 «Телевизион танишув». Урмас Отт Иосиф Кобзон билан суҳбатлашади.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Чап оёққа ўн еттита этик». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия — «Қизи».
21.35 «Қора қути».
22.15 «Лимпопо».
22.45 Виктор Шестопал чалади (фортепиано).
23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Асил ҳолича».
8.50 «Калит» кўрсатуви.
9.05 «Винил чангалзорлари».
9.35 «Калугалик усталар».
10.05 Ф. Шуберт. До мажор симфонияси.
11.05 Кундузги сеанс. «Ҳаммаси яхши». Бадиий фильм.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.50 «Кузирхоним».
15.20 Мульти-пульти. «Оқ қарға», «Тарки одат, амри маҳол», «Дог».
15.50 Христианлар учун кўрсатув.
16.35 Янгиликлар.
16.50 «Ҳар бир кун байрам».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Болалар даврасида».
18.00 «Поезд деразасидан кўринган манзара».
18.30 Туркия дунёси.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Айвон».
20.10 «Қайноналар».
21.00 Хабарлар.
21.20 Мусобақалар.
22.10 «Инсоннят бойлиги». Видеофильм.
22.40 Талабларингизга биноан...
23.25 «Тирик эканмиз...».

Пайшанба, 27. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Уйингоҳлардан дарақлар.
7.30 «Ой бориб, омон қайт». Бадиий фильм.
9.50 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Қорақалпоғистон Республикаси.
10.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Билмасвой рулда. Мультфильм.
18.30 «Таълим ва маданий мерос».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қонун ва мустақиллик».
19.50 «Самарқандинг янги холодильникларн».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Хоразм вилояти.
21.40 «Қутлуғ йўл бошида». Адабий кўрсатув.
22.50 «Келинлар қўзғолони». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Улмас мерос». Телефильм.
11.00 «Қачал полвон». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
12.00 «Шоир тақдири». Бадиий фильм.

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум».
19.00 «Биз танлаган йўл».
19.45 «Кўргазма». Раҳим Аҳмедов.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУШТАРИЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Обуна баҳоси: ● Бир йилга — 384 сўм. ● Ярим йилга — 192 сўм ● Уч ойга — 96 сўм.

Эслатма: обуна масалалари бўйича муаммолар ва фикр-мулоҳазалар хусусида қуйидаги телефанларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

33-79-14 33-65-45
33-72-83 33-21-43

20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 8.00, 13.25 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.05 Мультфильмлар.
8.25 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Чап оёққа ўн еттита этик». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия —«Қизи».
11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўҳна сахий эртаклар. «Всевед бобонинг уч тола тилла сочи». Бадиий фильм.
12.30 «Лимпопо».
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Бугун ва ўша пайтларда...».
14.50 «Ойнинг орқа томонида». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
15.55 «Хазиналар ороли». Болалар учун уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.40 «Капитализм ўзи кимга керак!».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Чап оёққа ўн еттита этик». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия — «Ота».
21.25 «Кинопанорама».
22.30 Овозли йўлка. «ТВ-версия».
23.00 Янгиликлар.

Жума, 28. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Олимжон Орифжонов куйлайди.
7.55 «Орзулар оғушида». Бадиий фильм.
9.05 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Хоразм вилояти.
9.45 Болалар учун. «Қўнғироқча».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Беодоб бола». Мультфильм.
18.20 Уқитувчиларнинг анъанавий август кенгашида.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Пахтакорларнинг долзарб вазифалари.
19.45 «Гуллар табассуми». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Самарқанд вилояти.
21.40 «Олишув». Мингбулоқ нефть кони.
22.25 «Алишер Навоий». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ

17.05 Телефильм.
17.20 «Қадимий ноёб асарлар».
18.20 «Яхшилик қил». Хайрия жамғармаси фаолияти ҳақида.
19.05 Композитор А. Чорниевнинг симфоник мусиқалари.
19.35 «Бердиназар — шоир». Телефильм.
20.00 Янгиликлар.
20.10 «Иқтисодиёт ва ҳаёт».
20.45 Кичкинтойлар, сизлар учун!
21.00 «Ватан» ахборот кўрсатуви.
21.30 Кулги кечаси.
22.00 «Ишбилармонлар клубида учрашув».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 13.10, 14.20, 17.20, 20.20— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 «Ёз ҳузурида меҳмонда». Мультфильм.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм.
9.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
9.50 «Чап оёққа ўн еттита этик». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия — «Ота».
11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўҳна сахий эртаклар. «Нозик-ниҳол малика». Бадиий фильм.
12.50 Э. Трескин куйлайди. Қозондан олиб кўрсатилади.
13.15 «Бридж».
13.40 «Бизнес-класс».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Мусиқа шинавандасига совға».
14.50 «Ойнинг орқа томонида». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
16.00 Мультфильм.
16.20 «Болалар мусиқий клуби».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «Инсон ва қонун».
17.55 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 7-серия.
18.20 «Само совғаси». Мультфильм.
18.30 «ТВ-Нева: Ким биз билан!».
18.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Аншлаг. Аншлаг».
«ВИД» таништиради:
21.45 «Х» программаси, «Ҳордиқ чиқаринг», «MTV». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 «Инсон ва қонун».
7.55 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 7-серия.
8.20 «Само совғаси». Мультфильм.
8.30 «ТВ-Нева: Ким биз билан!».
8.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони».
9.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
10.00 Янгиликлар.
10.25 «Аншлаг. Аншлаг».
«ВИД» таништиради:
11.45 «Х» программаси, «Ҳордиқ чиқаринг», «MTV». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
15.20 Телебиржа.
15.55 «Ухшаш дунёлар».
16.40 Мульти-пульти. «Сеҳрли олма», «Дог».
16.55 Шундай ишяпмиз. «Россиянинг истеъдодлари».
17.45 Янгиликлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 «Ҳар бир кун байрам».
18.30 Эълонлар.
18.35 Парламент хабарномаси.
18.50 «Жаноблар — ўртоқлар».
19.05 «К-2» таништиради «Бизникиларни билиб қўй», «Ню», «Денгизга ёзги саёҳат». Бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Хабарлар.
21.20 «Ҳафта сўнгида». Дам олиш кўрсатуви.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.15 «Минора».

Шанба, 29. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Баҳодир». Телефильм.
7.55 «Алишер Навоий». Бадиий фильм.
9.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Самарқанд вилояти.
10.15 «Аёл қадри». Публицистик кўрсатув.
11.00 «Тараққуд».

* * *

18.00 «Фунтик ва мўйлабли кампиршо». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Хотира». Чўлпон.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Тошкент вилояти.
21.40 Долзарб мавзу.
21.55 Телевизион миниатюралар театри.
22.45 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ

10.55 Кўрсатувлар тартиби.
11.00 Янгиликлар.
11.10 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Мультфильм.
11.30 Болалар учун фильм.
12.45 Мультфильм.
13.00 «Оба дурмуши».

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 Мультфильм.
18.20 Ҳужжатли фильм.
18.30 «Ала-Тоо».
19.00 «Кидерсин киргиз жерин, комозум».
20.00 «Ата журтум—Ала-Тоо». Публицистик кўрсатув.
20.30 Бутунжаҳон қирғизлари қурултойининг тантанали очилиши.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 7.30, 13.55, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
6.55 Янгиликлар.
7.35 Эрталабки гимнастика.
7.45 «Моторлар оламида».
8.15 «Мусиқий чолғу асбоблари ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси.
8.45 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
9.00 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.30 «Марказ».
10.10 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф».
10.40 «Тиббиёт сиз учун».
11.20 «Қурия: мамлакат, одамлар, спорт». 1-кўрсатув.
11.50 Ҳайкалтарош Э. Неизвестнийнинг тақдири ва ижоди ҳақида бадиий-публицистик фильм премьераси.
13.30 «Енотлар». Кўп серияли мультфильм.
14.00 Янгиликлар.
14.20 «Экологик хроника».
14.35 XXV ёзги олимпия ўйинларни очилиши (25 июлдаги кўрсатув такрорланади).
15.55 «Ҳайвонот оламида».
16.55 «Брэйн-ринг».
17.55 Нижний Новгородда А. Д. Сахаров номли I халқаро санъат фестивалининг очилиши.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Учувчи Пирксинг тергови». Бадиий фильм («Таллиннфильм» ва Польша).
22.00 «Европа плюс».
23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 «Муқаддас манон». Ҳужжатли фильм.
8.00 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан.
8.30 «Оз» кўрсатуви.
9.00 «Покланиш йўли». Анатолий Мартинов.
9.30 «Америка юлдузлари». 4-кўрсатув.

*
10.00—14.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*
14.00 «Рус сўзи — сифат туркумига киради».
14.50 Вариацияли мавзу». «Дивертисмент».
15.30 Кундузги сеанс. «Тушингизга ҳам кирмаган». Бадиий фильм.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 Концерт.
17.30 Хабарлар.
18.15 «Инсоннят бойлиги». Видеофильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Манзарали фильм.
19.30 «Туркия тоғлари». Ҳужжатли фильм.
20.00 Ҳафта шарҳи.
20.15 «Биз билан рақсга тушинг».
20.40 «Бизнинг уйда».
20.55 Манзарали фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Биринчи бор турмушга чиқиши». Бадиий фильм.
23.00 «Мутлақо махфий».
23.55 Эълонлар.
24.00 «Қарагина». Дам олиш кўрсатуви (Франция). 2-кўрсатув.

Якшанба, 30. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Катта бўлишни хоҳламайман». Бадиий фильм.
9.55 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Тошкент вилояти.
10.35 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
11.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Менинг маҳаллам».
12.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Ижод саҳифалари». Фитрат.
13.30 «Оскё овози-92». Учрашувлар, тавассуротлар. 1-кўрсатув.

* * *

18.00 «Қоплон учун уй», «Йўл эртаги». Мультфильмлар.
18.25 Болалар учун. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Замин қалбига қулоқ тут». «Ўзбектелефильм» премьераси.
19.50 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Узанинг топар дарёлар».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.40 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

8.05—11.00 Қирғизистон телевиденнеси болалар студияси кўрсатади. Программада: «Бобок, сенинг жомогун», «Балдар студиясининг майманасында», «Шарқ болалари дўстлашади» халқаро болалар фестивали, «Болалигимиз осмони». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартибн.
18.05 Болалар учун фильм. «Фил эса гапиришни билади».
18.30 «Ала-Тоо».
19.00 «Қирғизистон опера театри таклиф этади».
19.45 «Салт».
20.10 «Айтиш». Республика телетанлови саҳифалари.
21.20 «Эл дийносу». Бутунжаҳон қирғизларн қурултойидан репортаж.

● «ОРБИТА IV»

5.20, 18.15 — Кўрсатувлар тартиби.
5.25 «Руҳни чиниқтириш».
6.25 Ритмик гимнастика.
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Спортлото» тиражи.
7.45 «Бавариялик казаклар».
8.15 «Эрта саҳарлаб».
8.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
9.25 А. С. Пушкин номли Тасвирий санъат музейида «Янги номлар» программаси стипендиатларининг концерти.
10.15 «Берлин. Эпсиз мақолалар». Д. Крилов олиб боради. 2-кўрсатув.
10.50 «Золушка ҳузурида меҳмонда».
11.55 «Ёмонлик белгиси». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
12.30 «Биргина сўзни деб». Мусиқий кўрсатув.
13.00 Илмий-оммабоп фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.15 «Саёҳатчилар клуби».
15.05 Ф. Шопен. Кшиштов Яблонъский чалади (Польша телевиденнеси).
15.30 «Шоир хотираси». Таганкадаги театрда ҳайрия кечаси.
16.20 «Эфирда бевосита мулоқот».
17.10 «Уолт Дисней таништиради...».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.

Якшанба кинокўрсатуви

19.00 «Киноафиша».
19.30 «Жамият душмани» Бадиий фильм («Уорнер Бразерс», АҚШ, 1931 й.).
21.00 «Якунлар».
21.45 «Телелоция».
22.00 «Эндиликда». Диний кўрсатув.
23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 «Тилла шпора».
7.50 Мульти-пульти». «Қулупнай ёмғири».
8.00 «Чашмалар».
8.40 «Телекроссворд». Дам олиш кўрсатуви.
9.10 «Биринчи саҳифада». «Литературные новости» газетаси таништирилади.
9.30 «Калит» кўрсатуви. «1812 йил момақалдироғи». 4-фильм.
10.00 «Кироллиндаги саргузаштлар». Қўғирчоқ мультфильм. 1-серия.
10.30 «Ати-бати...».
11.00 Юристлар телетанлови.
12.00 Вилоятда якшанба куни. «Поленово музей-чорбоғи». 1-қисм.
12.45 «Янги ўқув йили бошланиши олдидан».
13.05 Парламент хабарномаси.
13.20 Россиянинг телевизион театри. С. Коковкин. «Ёнимга кел». Телеспектакль премьераси.
14.35 Мульти-пульти. «До-ре-ми».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.45 «Узоқ ва яқин».
15.15 Ёш ижрочилар концерти.
15.35 «Қонун жангчилари». Видеофильм.
16.30 «Савдо йўлларида». Ҳужжатли фильм.
17.00 Турк енгил мусиқаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Юзма-юз». Видеофильм.
18.30 «Денгиз юмушлари». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 «Фортуна» телеканали. 1-қисм.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Фортуна» телеканали. 2-қисм.
23.15 «Муқаддима».
23.45 «Свободная Россия» майдонидаги шахматлар.

«Тошкентдан гапирамиз» ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 21 август сонидан олинди.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 23.00.
№ 165-166 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.